

XIII

А. Лутфуллаев

ЎЗБЕКИСТОН МУСИҚА САНЪАТИ УСТАЛАРИ


АҲМАД
ОДИЛОВ



А. ЛУТФУЛЛАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН МУСИҚА
САНЪАТИ УСТАЛАРИ
АҲМАД ОДИЛОВ

*М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат кон-
серваториясининг Илмий-услубий кенгаши то-
монидан нашрга тавсия этилган*



ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1998

Масъул муҳаррир: Т. Б. Ғофурбеков — санъатшунослик фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар: М. Ҳ. Тоиров — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор.
О. А. Иброҳимов — санъатшунослик фанлари доктори.

Ушбу рисолада ҳозирги замон чолғу ижрочилиги санъатига катта ҳисса қўшган. XX аср Ўзбекистон маданияти ва санъатининг тараққиётида тинимсиз ижодий меҳнат қилаётган, созандалик санъатининг янги йўналишини кўп йиллардан бери кузатиб, юксак маҳорат даражасига кўтарган, олий малакали шогирдлар тайёрлашда баракали патижаларга эришган устоз-санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг профессори Аҳмад Одилович Одиловнинг серқирра ижодий фаолияти илк бор таърифланган. Санъаткорнинг ҳаёти ва ижодий йўли билан яқиндан танишиш, маданият ва санъат ўқув юртлири ўқитувчи ва талабаларига ҳамда мусиқа санъатининг ихлосмандларига фойда келтиради, деган умиддамиз.



4905000000

© «Ўқитувчи». 1998.

ISBN 5—645—03435—X

МУАЛЛИФДАН

XX асрнинг бошларида ўзбек мусиқа санъати ва маданияти жадал равишда тараққий эта бошлади. 1920-йилларда мусиқа таълими, хусусан ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати соҳаларида муайян ютуқларга эришилди.

Ўзбек халқ чолғуларини ўзлаштиришнинг анъанавий услублари — мусиқа асарларини чалиш бой оғзаки анъаналарга асосланган бўлиб, устоз-мураббий, куйини ўз шогирдига оғзаки узатиш, яъни чолғуда бевосита ижро этиб бериш йўли билан етказиш, шогирд эса уни деярли ёдлаб олиши орқали олиб борилган. Шу бонс халқ созандалари орасидаги устоз-шогирдлик анъаналари ёшларга мусиқа ижрочилигини ўргатиш усуллари сифатида моҳир чолғучиларнинг шаклланишига катта имкон яратган.

«Шашмақом» билимдонлари Ота Жалолиддин Носиров (1845—1928), Ота Ғиёс Абдуғаниев (1859—1927), шунингдек, ўзбек ва тожик халқ мусиқаси ижрочиларидан бири, танбур ва дутор ижрочилиги ҳамда хонандалик ва ўзбек бастакорлик санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган Ҳожи Абдулазиз Расулов (1852—1936), таниқли аскиячи Юсуфжон қизиқ Шакаржонов (1868—1959), моҳир доирачи Уста Олим Комилов (1875—1953), дуторчилар Абдусоат Ваҳобов (1875—1934), Қузиҳон Мадраҳимов (1888—1952), атоқли хонанда ва ташкилотчи Муҳиддин Қориёқубов (1896—1957)ларнинг етишиб чиққанлиги фикримизнинг далилидир. Кейинчалик ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг усталари деган номга сазовор бўлган бир қатор созандалар, республикамизнинг мусиқий ҳаётида фаол иштирок этиб, янги давр, янги ижодий гоёларни амалга ошириш учун замин яратдилар. Мусиқий тарихимизнинг анъаналарига асосланган ҳолда 20—30-йилларда ўзбек халқ чолғулари ансамллари таркибидаги ижрочилик ва якканавов созандачилик санъати, айниқса, Фарғона водийси, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида кенг ривож топди. Халқимиз «уста» номини берган машҳур чолғучилар — Олим

Комилов, Аҳмаджон Умурзоқов, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Абдуқодир Исмоилов, Рўзимат Исабоев, Матюсуф Харратов, Тўхтасин Жалилов, Ризқи Ражабий, Юнус Ражабий, Жўрабек Сайдалиев, Абдумутал Абдуллаев, Ориф — гармон Тошматов, Хайрулла Убайдуллаев, Ориф Қосимов, Муҳаммаджон Мирзаев, Аюб Қодиров, Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов, Саиджон Қалонов, Фахриддин Содиқов, Ғанижон Тошматовлар тингловчилар муҳаббатини қозондилар. Уларнинг ибратли ижрочилик фаолиятлари, мусиқий таълим соҳасидаги ўғитлари ҳозирги давр ўзбек халқ чолғуларида ижрочиликнинг ривожига замин бўлди.

Устозларнинг ҳар бири бой миллий мусиқа меросимизни сақлашда, замонавий мусиқа маданиятимизнинг шаклланиши ва равнақ топишида ўзларининг бетакрор хиссаларини қўшдилар.

Тарих шохидки, мусиқа санъати шаклланишида анъанавий ва янги йўналишдаги ижро услубларининг муносабатлари ҳамisha катта аҳамият касб этиб келган. Бири биридан ўрганган, бири бирига ўргатган уста санъаткорлар ижро сиру сеҳрларидан бир-бирларини баҳраманд этишган. Йиллар ўтиб халқ чолғуларида ижрочилик санъати замон талабига кўра янги йўналиш бўйича ривожланди. Натижада Ўзбекистон республикасининг мусиқий ижрочилик санъатида янги авлод усталарининг шаклланишига замин яратилди. Буни най чолғуси бўйича Мирза Тоиров, чангда Фозил Харратов, қашқар рубоби бўйича Рифатилла Қосимов, дутор бўйича Боқижон Раҳимжонов, ғижжак бўйича Мурод Тошмуҳамедов, доира ва урма зарбли чолғулар бўйича Илҳом Икромовлар мисолида кўришимиз мумкин.

Ўзбек халқ чолғуларидан чанг ижрочилиги алоҳида эътиборга молик бир мактабни ташкил этади. Ушбу мактаб фаолияти — чанг чолғусининг моҳир ижрочиси, заҳматкаш ва фидойи санъаткор Аҳмад Одилов номи билан боғлиқдир.

Биз ушбу рисолада ўзбек мусиқа санъатининг усталаридан бири Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг профессори, чанг чолғу-созининг дарғаси, элларни элларга, дилларни дилларга боғлаган созанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Аҳмад Одиловнинг серқирра фаолиятини ёритишга баҳоли қудрат ҳаракат қилдик.

ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ ЙУЛИ

Болалик ва улғайиш йиллари

Аҳмад Одилов Тошкентнинг «Хадра» майдони яқинидаги Қоратош маҳалласида, 1928 йил 21 июль куни илчи оиласида таваллуд топди.

Отаси — Одил Бобомуҳаммад ўғли, темир йўл ишчиси бўлиши билан бирга, ҳаваскор хонанда сифатида ҳам танилган эди. Шу боис, у ўз ўғли Аҳмадда мусиқа санъатига катта ихлос уйғотганди.

Онаси — Файзинисо Уринбой Абдурауф қизи зиёлилар оиласида тарбия топган уй бекаси эди. Улар тўрт фарзанд — уч ўғил, бир қизни тарбиялаб, вояга етказганликлари, мўътабар ва дуоғўй, маслаҳатгўй ва меҳрибон бўлганликларини болалари ҳамиша эслашади.

Ҳақиқатан ҳам ҳар бир ота-она ўз фарзандини асраб-авайлаб, меҳр-муҳаббат билан парвариш қилишни, касбу ҳунарли, илму маърифатли, меҳнатсевар, одамларга ғамхўр қилиб ўстиришни орзу қилади. Шунинг учун Аҳмадни ота-оналари бошқа фарзандлари қатори яхши инсон бўлиб етишуви учун бор имкониятларини сарфлаб, яхши умид-орзулар билан тарбиялашган. Оилада бирлик, ҳамжиҳатлик, тотувлик бўлганлиги сабабли фарзандлар ҳам илмга чанқоқ, ҳунарга иштиёқманд бўлиб ўсдилар.

Аҳмадни Тошкентдаги Чорсу бекатида жойлашган 75-сонли бошланғич мактабга ўқишга беришади. Унинг ўқиб юрган чоғларидаёқ мусиқий чолғуларни ўрганиш ва чалишга ихлоси баланд эди. Кунлардан бирида ўқувчилар йиғилишиб бири доира, бири пианино, бири барабан каби чолғуларни билар-билмас чалаётганларини кўриб, Аҳмаднинг уларга ҳаваси келади. Синф раҳбари — Учқун Жаҳонгировдан унга ҳам бирорта чолғу асбоби беришни сўраб, барабан чалиш истаги борлигини билдиради. Тез орада барабан чолғусида қатор усуллар чалишни яхшигина ўрганиб олади. Бундан хабардор бўлган мураббий-муаллимлар турли йиғинларда, байрамларда, қувончли тадбирларни ўтказишда ёш Аҳмадни доимий етакчи барабан чолғучиси қилиб белгилашади.

У 1939 йилда мактабнинг тўртинчи синфини муваффақиятли тугатгандан сўнг, мактаб яқинидаги «Чақар» даҳасида жойлашган 82-сонли ўрта мактабда ўқишни

давом эттиради. Бу мактабда ҳам Аҳмад турли мусиқа тугаракларида фаол қатнашиб доира, най, рубоб, пианно каби чолғуларда халқ куйларини чалишни жиддий машқ қила бошлайди.

Мактаб йилларини эслаб, Аҳмад Одилов шундай ҳикоя қилади: «82-сонли урта мактабнинг 7-синфида ўқиб юрган чоғимда мактабга янги халқ чолғу асбоблари сотиб олишганлигини эшитиб қолдим. Шунда мактаб директори Ҳанифа опага мурожаат этиб, уларга Чорсу майдонида жойлашган «Ғўзабозорда» бир уста дўконида чанг чолғусини ясаб турганини кўрганимни айтиб, мактабга шунини сотиб олишларини сўрадим. Мактаб директори илтимосимга кўра бир дона чанг чолғу асбобини сотиб олишга розилик бердилар ва тез орада чанг олинди. Кейинроқ билсам, чанг чолғусини ясаган киши машҳур соз устаси Уста Усмон Зуфаров экан. Чангни бир амаллаб созлаб, чалишни ўрганиб олдим. Куй чалишни билган синфдошларим билан қўшилишиб «Уфори», «Полька», «Дилхирож», «Қари Наво» каби халқ куйларини ўргандим. Катта танаффус пайтида доира чалиб, даврада уйин-кулги қилардик».

Дарҳақиқат, Аҳмаднинг мусиқага ҳаваси, иштиёқи мактабдаги ўқини йилларидаёқ шакллана бошлайди. Тез орада у чанг чолғусини бемалол чалишни ўзлаштириб, ўзбек халқ куйлари ҳисобига ижро рўйхатини кенгайтиради. Чанг ижроси сифатида умумий таълим мактабларида, Островский номидаги ўқувчилар саройида (собиқ «Лабзак» кучаси) уюштирилган концерт ва қатор маданий-маърифий тадбирларда қатнашиб, ўз ижрочилик санъати ва маҳорати билан тингловчилар олқишига сазовор бўлади. Ёш ҳаваскор созанда — Аҳмад чанг чолғусига астойдил меҳр қўяди. Радио тўлқинлари орқали эшиттирилган концертларни, айниқса машҳур доирачи, моҳир чангчи Уста Олим Комилов, таниқли чангчи Фахриддин Содиқов ижроларини доимий тинглаб, кузатиб боради. Улар чалган сеҳрли оҳанглар Аҳмадда чуқур таассурот қолдиради. Дам олиш кунлари, бўш қолган пайтларида синфдошлари билан ўқувчилар саройидаги қатор ёш ижрочиларнинг концертларига боради. У 1942 йилнинг декабрь ойида ўқувчилар (собиқ Республика пионерлар ва ўқувчилар) саройи таркибидаги ўзбек халқ чолғулари ансамбли тугарагига қатнашиш ниятида бориб, тугарак раҳбари, таниқли найчи Аҳмаджон Мақсудов билан учрашади. Тугарак-

нинг навбатдаги машғулотларидан бирида Аҳмаднинг чанг чолғусида билган қатор куйларини тугарак раҳбари тугарак қатнашчилари билан биргаликда диққат билан эшитиб кўришади ва маъқул топишади. Шундай қилиб, Аҳмад синовдан яхши ўтиб, тугарак аъзолигига қабул қилинади. Тугаракка тинимсиз қатнаб, давомли машқлар қилади. Устозини тайинлаган асарларни вақтида ўрганиб, ансамбль таркибида эркин чалиш даражасига эришади. Устозини Аҳмаджон Мақсудовдан ўзбек халқ мусиқаси намуналаридан «Дилхирож», «Усмония», «Мирзадават», «Илгор», «Фарғонача», «Ёлғиз», «Дучава», «Тановар», «Не ажаб» каби куйларни ижро этишни ўрганади. Арча байрамга бағишланган концертларда, мактабларда уюштирилган концертларда фаол қатнашиб, устозининг мақтовига сазовор бўлади. Аҳмад Одилов биринчи устозини ҳақида шундай ҳикоя қилади:

«Ҳа, тақдирга кўра толеим бор экан... Биринчи устозим — тугарак раҳбаримиз Аҳмаджон ака менинг мусиқага астойдил ихлос қўйишимга, чанг чалиш сирларини қунт билан ўрганишимга сабабчи бўлганлар. Уларнинг: «Ҳар парсага саъй-ҳаракат орқали эришилади. Меҳнат қилиш инсонларни эзгу-орзуларига етказди, қатъият билан ижодий ишга бел боғлаганлар, эрта ё кеч ўз мақсадларига албатта етадилар», — деганлари асло ёдимдан чиқмайди. Мени Ҳамза Ҳакимзода Нисий номидаги Тошкент мусиқа билим юртида ўқишга тавсия қилган ҳам ана шу устозим Аҳмаджон ака эдилар». Аҳмаднинг орзуси — қандай бўлмасин санъат таълимгоҳида ўқиш, мусиқий билимларни эгаллаш эди.

Иккинчи жаҳон уруши оқибатида юзага келган барча машаққатлару йўқчиликни, азиятларни кўриб турса ҳам у илм олишни ўзининг биринчи вазифаси деб билди. У қийинчиликлардан қўрқмади. Устознинг тавсияси билан юксак умидлар ила мусиқа билим юртига кирди. Унинг дастлабки орзуси ушалди.

* * *

Мусиқа билимга биринчи қадам.

Аҳмаднинг мактабда ўқиб, ўқувчилар саройидаги ансамбль тугарагига қатнашганлари зое кетмади, балки кўп жиҳатдан фойдали бўлди. 1943 йилнинг бошида Аҳмаднинг оиласи истиқомат қилиб турган ҳовли мактаб биноси қурилиши сабабли бузиладиган бўлди. Оила

тез орада «Баланд масжид» даҳасидаги «Куклам» берк кучасига жойлашган уйга кўчиб ўтди.

Янги уй, янги дўстлар... 15 ёшли Аҳмадга яна омад кулиб боқди. Унинг ён қўшниси Нуриддин Халилов исмли йигит мусиқа билим юртининг дамли чолғулардан кларнет бўйича юқори курс ўқувчиси экан. У Аҳмадга ўзи ўрганган кўйларни бирин-кетин ижро этиб берар ва мусиқага оид суҳбатлар очар, Глинканинг «Камаринская» сидан, Пуччинининг «Тоска» операсидан айрим парчаларни таништирар эди. Бундай учрашувлар Аҳмаднинг мусиқа санъатига бўлган ҳавасини янада оширарди.

Нуриддин ака навбатдаги учрашувларнинг бирига Аҳмаднинг акаси Комилни ҳам таклиф этади. Шу кун кечган суҳбатда Нуриддин ака кларнет чолғусининг тарихи, ижрочилик амалиётида икки хил кларнет ишлатилиши ҳақида жўшиб-жўшиб сўзлаб беради. Шу билан бирга, собиқ «Жар кўча» даҳасига жойлашган мусиқа билим юрти ҳақида, унинг директори — тоғаси Илёс Акбаров ҳақида батафсил гапириб беради ва албатта таништириб қўяжанини билдиради.

Нуриддин Халилов ўша йили март ойларида ака-ука Одиловларни ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртига олиб боради ва уларни директор Илёс Акбаров, директор муовини Ашот Иванович Петросянцлар билан таништиради. Ака-укалар текширув синовдан ўтишга тавсия этилади. Шу кун А. Козолупов (кларнет ўқитувчиси), Абдусамат Илёсов (датор, чанг чолғуси ўқитувчиси) ва бошқа нуфузли домлалардан тuzилган қабул комиссияси Комил ва Аҳмад Одиловларни синовдан ўтказиб билим юртига қабул қиладилар.

Шундай қилиб, Комил кларнет чолғуси бўйича А. Козолупов синфига, Аҳмад эса чанг чолғуси бўйича А. Илёсов синфига қабул этилади. Қўп вақт ўтмай ака-ука Одиловлар билим юртининг катта залида вақтинча машғулот ўтказаётган Ўзбек давлат филармониясининг А. И. Петросянц раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрига созанда сифатида ишга қабул этиладилар. Комил Одилов — қўшнаё чолғучиси, Аҳмад Одилов эса чанг чолғучиси сифатида ўз ижодий меҳнатларини шу оркестрда бошлайдилар. Ака-укалар ишлаш билан биргаликда ўқишни ҳам давом эттиришади.

Билим юртида мураббий-устозлар Аҳмадни ўз бағриларига олиб, тинимсиз меҳнатга ўргатишади. Чангчи

ва даторчилар Ориф Қосимов, Абдусамат Илёсов, мусиқашунослар Иброҳим Ҳамроев, Илёс Акбаров, оркестр дирижёрлари Ашот Петросянц, Саид Алиев, гижжакчи Сурен Габриэлян, рубобчи (гитарачи)лар Александр Дорошев, Владимир Марцинковский каби устоз санъаткорлар Аҳмадни созандачилик маҳоратини ошириш, мусиқий-назарий билимини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга амалий ёрдам кўрсатдилар. Аҳмадга ўша йиллари сабоқ берган устозларидан бири Ўзбекистон халқ артисти Ориф Қосимов, Аҳмад Одиловни шундай таърифлайди:

— Мен Аҳмадни ва у кишининг оталари — Одил акамларни жуда яхши биламан. Оталари билан самимий муносабатда бўлганмиз. Суҳбатлари маъноли, ширин сўз, очиқ кўнгил, одамларга доим ёрдам қўлини чўзадиган умрбоқий инсон эдилар, гоҳ-гоҳ ашулалар ҳам айтиб берардилар. «Мен ўқимаганимга яраша, ўғилларим ўқисин, ҳунарли бўлисин, эл-юртга фойда келтирадиган, обрў-эътиборли бўлисин», — деган эзгу ниятлари ҳали-ҳали ёдимда. Аҳмад билан эса мусиқа билим юртига келган пайтидан бошлаб яқиндан танишман. Ута тарбияли, ўткир зеҳли бўлгани туфайли тезда ўси, оркестрнинг етакчи созандаси даражасига кўтарилди.

* * *

1944 йилнинг куз пайти, Ўзбекистон давлат филармонияси тасарруфидаги А. И. Петросянц раҳбарлик қилаётган ўзбек халқ чолғулари оркестрида Аҳмад созанда сифатида ишлаб юрган пайтларда бир гуруҳ ҳамкасблари 16 ёшлиқ ўсмирлар — Аббос Баҳромов, найчи Рашид Губайдуллинлар билан биргаликда Шайхонтаҳур тумани Ҳарбий комиссарлиги ҳузурига келишиб, йигитлик бурчларини адо этиш, энг муқаддас, жондан азиз замин — Ватан ҳимоясига тайёрмиз деган ниятда армия хизматини ўташ орзусини билдирадилар. Октябрь ойини ўрталарида ўсмир йигитлар армия сафига чақирилади, ҳужжатлар ҳам расмийлаштирилади. Катор суҳбатлардан, тиббий кўриклардан муваффақиятли ўтишади, жўнаб кетиш кунини ҳам белгиланади. Тегишли буюмлар билан тўлдирилган тўрва-қопчалар кўтарган ҳолда белгиланган кунини саҳарда Ҳарбий комиссарлик биносининг ҳовлисида ҳозир бўлишади, назоратчи рўйхатидан ҳам ўтишади.

Ҳовли одатдагидай гавжум бўлиб, хизмат сафига чақирилганлар билан турли мавзуларда қизгин суҳбатлар бошланади. Хуллас шу кун соат 11.00 лар чамаси комиссарликнинг бўлим бошлиғи подполковник М. Тихменко ҳовлига чиқиб минбардан йиғилганларга қарата «Чақирилганлар сафларинглар!» деган буйруқни беради. Бир томонда чақирилганлар, қарши тарафда эса жиҳозланган 12 та юк машиналари қатор саф тортадилар.

Вақт ўтмай рўйхат бўйича чақирилувчи йиғитларни исми шарифлари ўқилиб, машиналарга тақсимланади, йиғитлар жой-жойларига ўтириб, кетишга ҳозирлик кўришади. Ўзбекларни қонида, жонида неча асрлар, неча йиллардан буён яшаб келаётган юртга содиқ фарзандлик туйғуси барча туйғулардан устун деганларидек уч оғайни касбдошлар ҳам сабрсизлик билан ўз исмларини чақирилишини кутар эдилар. Лекин Аҳмад, Аббос ва Рашидларнинг номлари эшитилмади. Йиғитлар ҳайрон! Нима сабаб бўлди экан дея, югуришиб назоратчи бошлиқни ёнига келишиб, суриштира кетишди. Шунда бошлиқ: «Сиз дарҳол туман Ҳарбий комиссарлигига мурожаат этишингизларни буюраман!»,—деб гапни тўтатади. Хуллас, кеч кирган пайтда «уч оғайнилар» уй-уйларига, ота-оналари, ака-укалари, опа-сингилари ҳузурига тарқалишди. Эртасига улар ноҳия, Ҳарбий комиссарлигининг тегишли қисмига бориб, учрашадилар. Бўлим бошлиғи: «Сизлар расмийлаштирилган ҳужжатлар (бронь) бўйича армия сафига чақирилишдан озод бўлдингизлар, сабабини эса иш жойингиздан билиб оласизлар, булар сизларнинг ҳарбий ҳужжатларингиз! Меҳнат фаолиятингизни давом эттиравеинглар»,—деб уларга жавоб бериб юборадилар.

Кейинчалик маълум бўладики, уларга истеъдодли санъаткорлар қаторида шу даврдаги Ўзбекистон республикаси раҳбари Усмон Юсуповнинг имзоси чекилган фармон билан армия сафига чақирилишдан озод қилиш учун махсус бронь берилган экан. Бу ҳақда кадрлар бўлимининг бошлиғи юқоридан юборилган фармонни ўқиб эшиттиради.

* * *

Шундай қилиб, ҳар учала санъаткорлар одатдагидек ўз меҳнатларини оркестрда давом эттиришади.

Аҳмад Одиловнинг мусиқа билим юртида чанг чол-

ғуси ихтисослиги бўйича биринчи ўқитувчиси Абдусамад Илёсов бўлган. У ўзбек халқ мусиқаси, ўзбек халқ чолғуларининг етук билимдони эди. Аҳмад Одилов устозининг қобилиятли, ташкилотчи, маслаҳатгуй, хушмуомала, очиқ чеҳрали инсон бўлганлигини, унда кўпгина ўзбек халқ мусиқаси намуналарини, композиторлар ижодига мансуб бўлган хилма-хил асарларни ўзлаштирганлигини миннатдорлик билан хотирлайди. Кейинчалик Аҳмад чанг ихтисослиги бўйича ўқитувчиси, таниқли гижжакчи-созанда, дирижёр Сурен Никитич Габриэляндан қардош халқлар (Озарбайжон, Арманистон, Тожикистон) куйларини ўрганди, якканавоз чангчи сифатида қатор концертларда қатнашиб томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ижро маҳорати туфайли билим юрти ўқитувчилари ва ўқувчилари ҳамда кенг жамоатчилик назарига тушди. Уша йиллари ҳаяжонга солган бир хушxabар ҳақида Аҳмад Одилов шундай ҳикоя қилади:

«Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг II курс ўқувчисиман. 1945 йил октябрь ойининг охирида билим юртининг директори И. Тихонова мени чақириб: «Сизни, Санъат ишлари Республика давлат қўмитасининг раиси Қориев Раҳим Мажидович ҳузурига чақиринди. Москвага тезда етиб боришингиз тўғрисида шошилиш телеграмма олишибди»,—дедилар. Тезлик билан собиқ 1-Май кўчасида жойлашган Санъат ишлари қўмитасига бориб, Р. М. Қориевга учрашдим. Мени очиқ чеҳра, ширин сўз билан кутиб олдилар. Москвага боришим ҳақидаги шошилиш хабарномани ўқиб бердилар. Мен Р. М. Қориевга: «Ишончларингизни оқлаш учун астойдил ҳаракат қиламан»,—деб ваъда бердим. Бу самимий суҳбат дилимда нақшланиб қолди».

Эртаси кун тонг саҳарда Аҳмад юксак орзулар билан Москвага учиб кетади. Бу унинг республикадан ташқарига биринчи сафари эди. Маълум бўлишича, Аҳмад ўша кунлари Москва шаҳрида ўтказилаётган Бутунитифоқ ҳаваскорлик санъатининг кўригига Тошкентдаги Чкалов номли авиасозлар заводи тасарруфидаги ҳаваскорлик ашула ва рақс ансамблининг созандаси ҳамда якканавоз чангчиси сифатида таклиф қилинган экан.

Шу кун Москва шаҳрига етиб боради. «Билмаганларингни билганлардан сўраб бил»,—деганларидек, сўраб-излаб шаҳар марказидан четроқда жойлашган «Северная» меҳмонхонасини топади. Меҳмонхонада Аҳмаднинг ансамблининг бадний раҳбари, Ўзбекистон халқ

артисти, машҳур бастакор, устоз санъаткор Тухтасин Жалилов, чангчи Фозил Харратов ва ансамбль ижодий жамоаси кутиб оладилар. Янги шароитга тезда мослашиб, машғулотларга, барча режа тадбирларга фаол қатнашади ва дўсти, ҳамкасби Фозил Харратов билан биргалликда ижро репертуарини ўзлаштиради.

Ансамбль қатнашчилари ўзбек халқ ашула ва рақс куйлари, «Катта ўйин» туркуми намуналари асосида тузилган кенг қўламли концерт дастурини 1945 йилнинг ноябрида Москва аҳолиси, мусиқа жамоатчилигига намойиш этишади. Шаҳардаги энг нуфузли «Колонна» залда ўтказилган концерт—кўрикда Аҳмад Одилов, Фозил Харратов билан ёнма-ён ўтириб концерт дастурини моҳирона ижро этишди. Улар «қўшчанг»да «Гулбаҳор» ва «Тановар», «Кавказча термалар»ни ифодали ва таъсирчан, ўзига хос жозоба билан ижро этишиб, тингловчилар олқишларига сазовор бўлишади. Ансамбль жамоаси ва якканавоз чангчилар Бутуниттифоқ «Кўрик қатнашчиси» деган унвонга сазовор бўлиб, машҳур катта театр сахнасида ўтадиган яқунловчи концертда қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар. Қардош республикалардан келган голиб ҳаваскор санъаткорлар билан елкама-елка туриб, ўз санъатларини моҳирона намойиш этдилар. Бу концертда ҳам Аҳмад ва Фозиллар якканавоз чангчилар сифатида режадаги куйларни маҳорат билан ижро этишиб, турли миллатларга мансуб тингловчилар ва ҳукумат раҳбарларининг олқишига сазовор бўлдилар.

Устоз Тухтасин Жалиловнинг ижодий ташаббуси, улкан ташкилотчилик қобилияти туфайли, ўзбек санъаткорларининг мазкур сахнадаги чиқишлари дастур давомида катта воқеа бўлди. Ўзбек санъаткорларининг қўшма ансамбли «Қаринаво», «Мирзадавлат», «Сегоҳ», «Шаҳнози Гулёр» каби мумтоз куйларимизни ва «Жоннон», «Эй нозанин», «Устозим», «Тановар» сингари ўзбек қўшиқларини ўзига хос услубда ижро этиб, талабчан тингловчиларни лол қолдиришди. Сафардан қайтиб келгандан сўнг ансамбль кенг тингловчилар оммаси орасида катта мусиқий-маърифий ишлар олиб борди. Аҳмад Одилов ҳам билим юрти талабаси сифатида чанг ижрочилиги соҳасидаги ютуқларини тарғиб этишни давом эттирди.

Билим юртининг юқори курсларида таҳсил кўраётган, ўқитувчиси Ашот Иванович Петросянц раҳбарли-

гида ижрочилик репертуарини бойитиш мақсадида жаҳон композиторлари асарларини алоҳида қўнт билан ўргана бошлади.

Ўзбекистон композиторлари Собир Бобоев, Гофур Қодиров, Иброҳим Ҳамроев, Борис Гиенколар билан ҳамкорликда чанг учун махсус асарлар пайдо бўлишида ташаббус кўрсатди ва ижобий натижаларга эришди. Натижада С. Бобоевнинг чанг ва оркестр учун «Концерт-типо»си, И. Адмонининг «Ҳазилона»си, Ғ. Қодировнинг «Уч қисмли сюита»си ва бошқа янги-янги асарлари яратилди... Ниҳоят, ўқиш ва ўрганиш ишлари ортда қолиб, билим юртини битириш пайти келди. Билим юртида битирув имтиҳонлари бошланди. Давлат имтиҳонлари ҳайъати ғоят талабчан ва санъат соҳасида ўз ўрни ва мавқеъига эга бўлган ижодкорлардан иборат эди. Аҳмад имтиҳонларни аълога топшириб, имтиёзли диплом билан мусиқа билим юртини тугаллади. Ёш созанда консерваторияда ўқишни давом эттиришга тавсия қилинди.

Ўзбек халқ чолғулари болалар оркестрининг ташкилотчиси

Аҳмад Одилов, мусиқа билим юртини ўқувчиси бўлиши билан бир қаторда Санъатшунослик институти қошида ташкил этилган халқ чолғуларини таъмирлаш ва такомиллаштириш лабораторияси билан ҳамкорликда, ўқитувчиси А. П. Петросянцнинг бевосита раҳбарлигида яна бир хайрли ишга қўл уради. У 1945 йилнинг ёзида Марказий ўқувчилар саройи қошида болалардан иборат биринчи ўзбек халқ чолғулари оркестрини ташкил этишга муваффақ бўлди.

Оркестрнинг ўзагини шаҳар умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ташкил қилар эди. Тез орада оркестрнинг довуғи кенг ёйилиб, унда иштирок этувчилар сони кун сайин ошиб борди.

Ниҳоят, 30 дан ортиқ ижрочилар уюшган кўп овозли оркестр юзага келди. Замонавий талабга жавоб берадиган болалар оркестри таркибида пуфлама, урма торли, мизробли торли, зарбли, камонли торли чолғулар гуруҳи мавжуд эди.

Халқ чолғулари болалар оркестри қисқа вақт давомида ўсди, улғайди, камолот сари интилди. Катта концерт дастурлари устида тинмай иш олиб борди. «Роқ

қашқарчаси», «Дилхирож», «Тановар», «Қари Наво», «Гардуни Сегоҳ» каби ўзбек мусиқа мероси намуналаридан тузилган концерт дастури билан ўқувчиларнинг дам олиш масканларида, мактабларда, маданият уйларида концерт чиқишлари уюштирди. Республикадаги дастлабки болалар оркестрининг тузилиши, унинг муваффақиятлари маданиятимиз ҳаётида сезиларли воқеа бўлди.

1947 йилга келиб, бу оркестр Республика миқёсида ўтказилган болалар бадий олимпиадасида қатнашишга муяссар бўлди. Болалар оркестри ва унинг раҳбари Аҳмад Одилов олимпиада ғолиби ва ҳукумат «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирланди. Ўзбек халқ чолғуларининг асосийлари — най, чанг, рубоб, дутор ва ғижжак гуруҳлари ҳамда урма зарбли созлардан ташкил топган болалар оркестрининг кўпчилик қатнашчилари кейинчалик ўзларининг ҳаётларини санъат билан узлуксиз боғладилар. Масалан, Сайфи Жалил (ғижжак — Ўзбекистон халқ артисти, таниқли бастакор, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг профессори, Қаҳрамон Дадаев (доира) — Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотининг совриндори, М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» рақс ансамблининг созандаси, Наим Каримов (рубоб) — филология фанлари доктори, профессор, Одил Камолхўжаев (доира) — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Софияда бўлиб ўтган ёшлар ва талабаларнинг IX Жаҳон фестивали совриндори, Форруҳ Мирусмонов (чанг) — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Глиэр номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатининг бўлим мудури, Манноб Эргашев (чанг) — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ўқитувчи. Болалар оркестрига 1948 йилдан бошлаб Сайфи Жалил ва Ғуллом Қўчқоровлар раҳбарлик қилдилар. 40—50-йиллардаги ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг юксалиши Тошкент давлат консерваториясининг серқирра ижодий фаолияти билан боғланган. Маълумки, 1934 йилда Тошкент шаҳрида аввало Олий мусиқа мактаби, 1936 йили эса Ўрта Осиёда ягона Тошкент давлат консерваторияси ташкил этилган эди.

1948 йилда халқ чолғулари ижрочилик санъати тарихида зарҳал ҳарфлар билан битишга арзигулик тадбирлар амалга оширилди. Кўпчилик мусиқа ва санъат олий ўқув юртиларида халқ чолғулари факультетлари,

кафедралари ёки бўлимлари ташкил этилиб, бу йўналиш бўйича таълим бериш бошланди. Жумладан, Тошкент давлат консерваториясида ҳам ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик бўйича олий маълумотли мутахассислар тарбиялаб етиштириш кун тартибига қўйилади. Бунга замин ўша йиллари шарт-шароитларини мавжудлиғи, Муҳиддин Қориеқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясининг ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри фаолияти, халқ созларини таъмирлаш ва такомиллаштириш ишлари ҳал этилганлиғи ҳамда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртида консерватория талабига жавоб берадиган булажак талабаларнинг мавжудлиғи сабаб бўлди. Шу боис, 1948—49-ўқув йили Тошкент давлат консерваториясининг бир йўла 1—2-курсларига талабалар қабул қилишга қарор қилинди. Валентина Борисенко (прима рубоби), Феоктист Васильев (қашқар рубоби) ва Аҳмад Одилов чанг синфи бўйича 2-курсга қабул қилинди. Талабалар бундай имтиёзни шарафли ҳамда ўта масъулиятли ишонч деб тушундилар ва биринчи ўқув кунларидан бошлаб жиддий ҳаракатларини бошладилар. Консерватория Аҳмад Одилов учун асосий мусиқа мактаби бўлди ва у чанг синфи бўйича профессор Ашот Петросянц раҳбарлигида таҳсил ола бошлади. Тажрибали ўқитувчи, дирижёр, ижодий ташаббускор мусиқа арбоби А. Петросянц ўзига хос истеъдодли, ёш созандани асраб-авайлаб тарбиялади. А. Одилов дирижёрлик бўйича Н. А. Гольдман ва А. И. Давидовда таҳсил кўрди.

А. Одиловга ижрочиликнинг замонавий услубиятидан И. П. Благовещенский, мусиқа тарихи ва назариясидан таниқли мусиқашунос, фольклорист, композитор В. А. Успенский, чолғулаштириш, партитура ўқиш фанларидан Б. Ф. Гненко ва Г. Г. Собитовлар сабоқ берди. Амалий-назарий йўналишдаги қатор фанларни узлаштиришда О. В. Поликарпова, А. Я. Каральский, Г. Болховитина, И. Н. Карелова каби устоз-мураббийлар унга раҳбарлик қилдилар. Шубҳасиз, ҳар қандай табиий истеъдод, ақлу камол ҳам тинимсиз меҳнат ва тажриба бўлмаса юзага чиқиши амри маҳол. Аҳмад Одилов ҳам ўз тажрибасини илмий-амалий кўникмалар билан чамбарчас боғлаган ҳолда олиб боришга интилар эди.

1949 йилнинг баҳор кезлари... Ёшлар ва талабаларнинг Москвада бўладиган Жаҳон фестивали олдидан Ўзбекистон ёшлари ҳам ўз мусиқа байрами — фестивали-

ни ўтказадилар. Бу байрамона тадбирга консерватория-нинг ректори, таниқли композитор, мусиқа арбоби Мухтор Ашрафий раҳбарлик қилган эди. Аҳмад Одиловда ҳам фестивалга қатнашиш истаги пайдо бўлди. У устозлари раҳбарлигида катта тайёргарлик кўрди ва муайян зафарлар қучди. Фестиваль дастурида, халқ чолғуларида ижрочи талабалар гуруҳида қатнашади. Республиканинг турли вилоятларидан келган ёш якканавоз созандалар, ижодий жамоалар ва раққосалар ўзаро беллашадилар.

Аҳмад Одилов чанг чолғусида устози А. И. Петросянч тавсияси билан 4 та асар — А. Моцартнинг «Фигароннинг уйланиши» операси — муқаддимаси, А. Дворжакнинг «Славянча рақси», ўзбек халқ куйларидан «Гулбаҳор» ва «Тановар»ни маҳорат билан ижро этади. Биринчи мукофот билан тақдирланганлар орасида Аҳмад Одиловнинг номи ҳам бор эди. Раққосалар Бернора Қориева, Клара Юсупова, чангчи Аҳмад Одилов ва бошқалар маҳаллий фестиваль ғолиблари сифатида Жаҳон фестивалида қатнашиш учун йўлланма оладилар. Ўзбекистон ёшлари ва талабаларининг мазкур фестивали яқунлари ҳақида Мухтор Ашрафий «Мусиқа менинг ҳаётимда» номли китобида ўз таассуротларини шундай баён этади: «Ўзбек ёшларининг мусиқа, ашула ва рақс байрам — фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда яна бир жамоа муваффақиятли ижроси билан қатнашди. Бу ўзбек халқ чолғулари оркестри (раҳбари А. Одилов) бўлди.


Ўзбекистонлик ёш санъаткорларни ҳали масъулиятли синовлар кутмоқда. Булажак ёшлар ва талабалар фестивалида уларга улкан ижодий муваффақиятлар тилаб қоламан». Бу ғоят қисқа таърифда Аҳмад Одиловнинг санъатига берилган муносиб баҳосининг гувоҳи бўламиз.

Ўша йили ёзда Москва шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ фестивалининг саралаш турида Ўзбекистоннинг қатор ёш санъаткорлари билан биргаликда Аҳмад Одилов якканавоз созанда сифатида қатнашди. Бу гал ҳам унинг ижроси маъқулланди ва Бутуниттифоқ фестивалининг совриндори унвони билан тақдирланди. Москвадан қайтгач, Тошкент консерваториясида ўқшни давом эттирди. Мураббий-ўқитувчилари ёрдамида билим даражасини кун сайин ошира борди, репертуарини нодир мусиқий асарлар билан тўлдирди. А. Одилов ус-

тозлари — Виктор Успенский, Юнус Ражабий, Муҳаммаджон Мирзаевлар раҳбарлигида «Муножот», «Савти Муножот» ва «Уфори Муножот», «Сегоҳ» ва «Уфори Сегоҳ», «Мушкилоти Дугоҳ», «Мушкилоти Дугоҳ талқинчаси» ва бунинг «Уфори», «Самои Дугоҳ», «Ажам тароналари», «Гардуни Наво», «Гардуни Дугоҳ», «Гардуни Сегоҳ», «Чўли Ироқ», «Насруллоий» каби мураккаб ва мумтоз ўзбек куйларини чангбоп этиб ноталаштиради ва амалий ўзлаштиради. Шунингдек, А. Одилов Жаҳон композиторлари И. С. Бах, Г. Гендель, Л. Бетховен, В. Моцарт, Ж. Россини, Ф. Мендельсон, Р. Шуман, Ф. Шопен, А. Дворжак, И. Брамс, П. Чайковский, М. Глинка, Н. Римский — Корсаков, С. Рахманинов, А. Хачатурян, Д. Кабалевский асарларини ўзлаштиришга астойдил киришади. Ўзбекистон композиторларининг чанг учун мослаштирилган асарларини кунт билан ўрганади. Иброҳим Ҳамроев, Абдушариф Отажонов, Борис Бровцин, Собир Бобоев, Сергей Варелас, Тельман Ҳасановлар билан ҳамкорликда ижрочилик талабига жавоб берадиган чанг ва оркестр учун қатор концертлар ва бошқа асарлар яратилиб, Аҳмад Одиловнинг репертуаридан ўрин олади. Айримлари магнитофон тасмасига ёзиб олиниб, шу давргача «Олтин фонд» дурдоналари тариқасида вақти-вақти билан Ўзбекистон радиосида ҳаво тўлқинлари орқали мусиқа шинавандаларига тақдим этилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, композиторларнинг асарлари — жаҳон андозаси талабларига тўлиқ жавоб берадиган даражада ижро этилиши, ўзбек ва қардош халқлар мусиқасининг мероси намуналари — тааллуқли услубда тарғиб этилишининг ўзи ўзбек чолғулари ижрочилиги тараққиётида ижобий ютуқларга эришилганлигидан далолат беради.

Аҳмад Одилов консерваторияда таҳсил олиши билан биргаликда Ўзбек давлат филармонияси қошидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрида чангчилар гуруҳининг бош созандаси (концертмейстери), якканавоз ижрочилик фаолиятини давом эттиради. Талабалик давридаёқ А. Одилов 1950 йилнинг ноябрь, декабрь ойларида Хитой Халқ Республикасига концерт гуруҳи билан сафар қилди. 1951 йили Москвада ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида қатнашди. Ўзбекистон санъат усталари қаторида ёш созанда Аҳмад Одилов ҳам ҳукумат мукофоти билан тақдирланди.

1948—1952 йиллар ёш созанда ҳаётида бир умр уну-



тилмас давр бўлиб қолдики, бунга А. Одилов шундай эслади: — «Мухтор Ашрафий, Ашот Петросянц, Юнус Ражабий, Виктор Успенский, Борис Надеждин (композиторлик машқларидан А. Одиловга яқиндан ёрдам кўрсатган), Игорь Благовещенский, Муҳаммаджон Мирзаев, Илёс Акбаров каби санъат арбоблари менинг меҳрибон устозларимдир. Булар катта мусиқий назарий билимга, юксак тажрибага, ижрочилик маҳоратига, инсонийлик фазилатларига эга фидойи мураббий, яхши инсон бўлганлар. Мен улардан аждодларимизнинг табаррук мусиқа меросига, ўзбек халқ созларида ижрочилик санъатига бўлган улкан меҳрни, садоқатни, ижодий меҳнатда саботли бўлишни, жаҳон мумтоз композиторларининг дурдона мусиқий асарларини моҳирона ижро этиш сирларини ўргандим ва босқичма-босқич ўзлаштирдим».

Аҳмад Одилов ёш санъаткор бўлишига қарамай, ўқини жараёнида ажойиб чолғучилар ва санъат усталарининг кўплари билан суҳбатлашган, уларнинг санъати билан яқиндан танишган. Жумладан, Уста Олим Комилов (доира, чанг), Абдуқодир Исмоилов (най), Давлат Охунов (датор), Аҳмаджон Умурзоқов ва Хайрулла Убайдуллаев (қўшна), Матюсуф Харратов, Уста Рўзимат Исабобов (чанг), Муҳиддин Қориёқубов, Тамарахоним, Маъмуржон Узоқов (ҳофизлар) ва бошқа машҳур санъаткорлардан жуда кўп фойдали маслаҳат, ўғит ва йул-йўриқлар олди.

А. Одилов Тошкент давлат консерваторияси ўзбек халқ чолғу асбоблари факультетининг чанг яққанавозлиги, оркестр дирижёрлиги ва ўқитувчилик ихтисосликлари бўйича биринчилардан бўлиб битирди. 1952 йилда илк битирувчиларнинг Давлат имтиҳони ҳайъатида Н. А. Римский — Корсаков номидаги Ленинград давлат консерваториясининг профессори Б. А. Арапов (раис), Ўзбекистон халқ артисти, профессор М. А. Ашрафий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор А. И. Петросянц, доцент И. П. Благовещенский каби атоқли санъаткорлар қатнашишди.

Давлат имтиҳони уч қисмдан иборат эди: 1. Яққа созда дастур ижроси. 2. Халқ чолғулари оркестрига дирижёрлик. 3. Бажарилган ижодий ишни оркестрга чолғулаштириб, амалий кўрсатиш. А. Одилов имтиҳонларни аълога топшириб, бошқа дўстлари қатори ҳаётга йўлланма олди. Энди Аҳмад Одилов ёш мутахассис си-

фатида Ўзбекистон филармонияси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрида яққанавоз концерт ижрочиси ва созандаси, консерваторияда эса ўқитувчи лавозимларида иш бошлади.

А. Одилов — оркестрнинг яққанавоз ижрочиси

Аҳмад Одиловнинг мустақил ижодий фаолияти 1943 йил март ойидан бошланган десак ҳам бўлади. 14 ёшли Аҳмадни Ўзбек давлат филармониясининг ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрига чанг чолғучиси сифатида ишга қабул қилдилар. Оркестр раҳбари Ашот Иванович Петросянц, датор ижрочиси Абдусамад Илёсов, моҳир ғижжақчи, ўзбек мусиқа мероси билимдони ва ёрдамчи дирижёр Сурен Мкртиневич Габриэлянлар раҳбарлигида ёш созанда қисқа вақт орасида яққанавозлик ва оркестр таркибидаги ижрочилик сирларини қўнт билан ўрганади. У оркестрда Ашраф Ашрафов, Шоакбар Шоакрамов, Саид Алиев, Аҳмаджон Мақсудов каби етук ижрочилар билан ҳамнафас бўлиб, улар каби элга манзур, халқ олқишлайдиган санъаткор бўлишни орзу қиларди. Бунинг учун эса тинмай машқ қилиш, тажрибали санъаткорлардан сабоқ олиш лозимлигини яхши биларди.

Мусиқага бўлган чуқур ҳавас, теран иштиёқ энди ҳаёт-мамонтга айланди. Шу боис ўша даврдаги чанг чолғуси ижрочилари — Уста Олим Комилов, Фахриддин Содиқов, Матюсуф Харратов, Пулатжон Раҳимов, Раҳим Нурмуҳаммедов, Қайом ака Хадиев каби таниқли созандалар билан мунтазам мулоқотда бўлиб, улардан чанг ижрочилигининг хилма-хил услубларини ўрганади, хусусан халқ куйларини ўзлаштира боради.

А. Одилов ёшлигиданоқ Республика Санъатшунослик институти қошидаги ўзбек мусиқа асбобларини таъмирлаш ва такомиллаштириш илмий-тадқиқот лабораториясининг илмий-ижодий ходимлари ва соз усталари билан ҳамкорликда чанг асбоби устида ҳам иш юритади. А. И. Петросянц, Уста Усмон Зуфаров, Савелий Диденколар раҳбарлигида ясалган чанг чолғуларининг юқори регистрини (яъни юқори товуш қаторларини) қўшимча торлар ва харрактлар ҳисобига кенгайтиришда, 12 босқичли температурацияланган товушқаторига мос чангнинг яратилишида ва уни амалиётда қўллашга фаол қатнашади.

Шу билан бир қаторда товуш сундирғич ва махсус педаль урнатилган чанг чолғуларини яратишда ҳам ўз хиссасини қўшди. Натижада, кичик октава «соль» товушидан — учинчи октава «фа диез»гача бўлган диапазонга эга замонавий ижрочилик талабларига жавоб берадиган кенг товушқаторли янги нусхадаги чанг яратилишига эришилди.

Бу янги чангнинг биринчи ижрочиси Аҳмад Одилов. тез орада хилма-хил ижрочилик услубларининг янги хилларини яратишга муяссар бўлди. Аҳмад Одилов симфоник оркестр таркибида янги чангни киритиш имконияти яратилганлигини қуйидагича хотирлайди: «Янги нусхада ясалган чанг чолғуси илк бор бир гуруҳ халқ чолғулари киритилган симфоник асарлар ижросида тажрибадан ўтди. Булар — Максимилиан Штейнбергнинг «Ўзбек рапсодияси», Виктор Успенскийнинг Алишер Навоий таваллудига бағишланган «Шоир хотираси» асарида илк бор қўлланилиб, 1944 йили Тошкент шаҳрида ижро этилди.

Ўша йили март ойининг бошларида Тошкентда Урта Осиё республикаларининг иккинчи Мусиқа декадаси ўтказиладиган бўлди. Тўхтасин Жалиловнинг ташаббуси билан ташкил этилган ўзбек халқ чолғулари ансамблида ҳам янги нусхадаги чанг чолғуси қўлланилди.

Ансамблга таниқли ижрочилардан: найчилар — А. Мақсудов, С. Қалонов, гижжакчилар — Д. Зокиров, С. Алиев, С. Тўхтасинов, чангчилар — Ф. Содиқов, Қайюм ака Ходиев, А. Одилов, Ф. Харратов, Ш. Шоакрамов, Р. Нурмухамедовлар жалб этилади.

А. Одиловнинг эслашича — ўша талабчан, барча санъат аҳли устаси Тўхтасин Жалилов раҳбарлигида мусиқа декадасига ғоят жиддий тайёргарлик кўрилди. «Машгулотларимиз собиқ Свердлов номидаги концерт залида шомдан тонг отгунча ўтказиларди. Меҳнат интизомининг мустаҳкам бўлгани, ўта талабчанлик билан масъулиятни тушуниш натижасида — тез орада ижро дастуримизни пухта ва етук профессионал даражада ўзлаштиришга муваффақ бўлдик.

Уста Тўхтасин ака Жалиловнинг бетиним изланишлари, меҳр ва самимият билан чеккан машаққатлари, биздан аямаган сабоқлари ўз самарасини берди. Қисқа муддатда ансамблимиз «Сайқал», «Сегоҳ» ва «Уфори Сегоҳ», «Мирзадават», «Дучава», «Савти Муножот», «Савти Чули Ироқ» каби мураккаб куйларни ўзлашти-

риб, концертларда ижро этардик ва бу билан мазкур Декадага яхши тайёрланиб олган эдик». Шундай қилиб, янги нусхадаги чанг ансамллари репертуаридан, мусиқа билим юртларидаги ўқув дастурлари, А. И. Петросянц раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ҳам мустаҳкам ва муносиб ўрин олди.

Бу соз учун махсус яратилган илк оркестр асарлардан — Б. Гиенко мослаштирган ва Аҳмад Одилов ижро этган «Гулбаҳор» ва «Тановар», ленинградлик композитор И. Адмонининг чанг ва фортепиано учун «Мусиқий дақиқа»си, С. Бобоевнинг чанг ва оркестр учун «Концертино»си тингловчиларда яхши таассурот қолдирди ва жамоатчилик томонидан маъқулланди.

Аҳмад Одилов яқканавоз ижрочи ва оркестр созандаси сифатида Тошкент тўқимачилик корхонасида, темирўлчилар, тикувчилар маданият саройларида вақти-вақти билан уюштирилган концертларда қатнашди, эл назарига тушди. 1949 йил ноябрь ойининг охирида оркестрнинг Москва шаҳрида биринчи бор концертларида ҳам қатнашишга муяссар бўлди. Собиқ иттифоқ композиторлари уюшмаси бошқаруви қарори билан ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри Бутуниттифоқ композиторлари пленумида қатнашиш учун таклиф этилган эди. Бу катта мусиқий кўрикда оркестр М. Бурхонов, М. Левиев, А. Муҳамедов каби Ўзбекистон композиторларининг янги асарларини ва қатор ўзбек халқ куйларини ижро этган эди. Оркестр концертлари санъат ходимларининг марказий уйида, олимлар уйида, олий ўқув юртларида ва 1 декабрь куни — П. И. Чайковский номидаги машҳур концерт залида, Белорусия, Озарбайжон халқ чолғу асбоблари оркестрлари билан биргаликда ўтди. Унинг иштирокчилари кенг мусиқий жамоатчилик ҳурматиغا сазовор бўлди. Москвадан қайтиб келгандан сўнг оркестр кўтаринки руҳда янги репертуар устида иш бошлаб юборди.

1951 йилнинг ноябрь ойида А. Одилов Москвада ўтказиладиган Ўзбекистон санъатининг 2-декадаси қатнашчилари билан яна сафарга жунаб кетди. Декаданинг қўшма концертларидан ташқари Москва олимлар уйи, Фанлар академияси, Ҳарбий-сиёсий академия, кўплаб маданият саройларида оркестрнинг концертлари муваффақиятли ўтди. Хусусан тингловчилар Аҳмад Одилов ва Фозил Харратовларнинг яқканавоз чиқишларини ҳам самимий олқишлар билан кутиб олишди.

САФАРЛАР. КОНЦЕРТЛАР, УЧРАШУВЛАР

Хитой сафари

А. Одилов 1950 йилнинг ноябрь ойида ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри таркибида Ўзбекистон Республикаси санъат усталари гуруҳи билан Хитой Республикасига таклиф этилди.

Бу оркестрнинг хорижий мамлакатларга уюштирган биринчи гастроли эди. Мазкур сафарда уста санъаткорлардан Ҳалима Носирова, Сора Эшонтураева, Мукаррама Турғунбоева, Назира Аҳмедова, Фулом Абдураҳмонов, Комилжон Отаниёзовлар билан бир қаторда Ноилахон Ҳошимова, Насим Ҳошимов, Ҳалима Комилова, Меҳри Абдуллаева, Муҳаммаджон Мирзаев, Аюбжон Қодиров ҳамда Комил Одиловлар қатнашишди. Концертларда Аҳмад Одилов чапг чолғусида якканавоз ижрочи ва оркестрнинг ёрдамчи дирижёри сифатида фаол иштирок этди. Бу эса қоларли сафар Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг расмий таклифига биноан расмийлаштирилган бўлиб, асосий мақсад — халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш, бой ва серқирра ўзбек санъати ютуқларини хитой халқига намойиш қилишдан иборат эди. Дастурга жаҳон мумтоз композиторларининг (Бизе, Россини, Григ, Глинка, Чайковский) дурдона асарлари, қардош халқлар ва Ўзбекистон композиторларининг куйи ва қўшиқлари киритилиб, тингловчиларнинг эътиборига ҳавола этилди. Улар ўзбек ижрочиларини давомли қарсақлар билан самимий олқишладилар. Сафар Хитойнинг бепоён шимолий-ғарбий Шинжон вилояти бўйлаб — Фулжа, Қашқар, Хўтан, Ёркент, Қарғали, Янги Хисор шаҳарларида давом этди. Оркестрнинг ниҳоятда муракаб асарларни ижро этиши шинжонлик тингловчиларни лол қолдирди. Ўзбек санъаткорлари ранг-баранг дастурларни маҳорат билан ижро этишгани маҳаллий матбуотда кенг ёритилди.

Украина сафари

Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри 1952 йилда Украина бўйича яна катта концерт сафарида бўлди. Унда бир гуруҳ Ўзбекистон санъат усталари, яккахон ашулачилар ва якканавоз созандалар: Ҳалима Носиро-

ва, Коммуна Исмоилова, Асад Азимов, Адиба Мирзаева, Эргаш Йўлдошев, Владимир Синельников, Аюб Қодиров, Аббос Баҳромов, Комил Одилов ва Аҳмад Одиловлар бор эдилар.

Икки ой давом этган концерт сафарида Украинанинг 17 та шаҳрида берилган 50 дан ортиқ концерт муваффақиятли ўтди. Оркестр Украинанинг деярли барча йирик шаҳарларида бўлиб, Одесса, Измаил, Николаев, Херсон, Винница, Янги Каховка, Киев, Львов, Проскуров, Старо-Константиновка, Тернополь, Дрогобиц, Стаиислав, Черновцида ўтган концертларда Аҳмад Одилов «Гулбаҳор» ва «Тановар», Ж. Бизенинг «Кармен» операсига муқаддима ва қардош халқларнинг сараланган асарларини моҳирлик билан ижро этганлиги ҳақида Одесса газеталаридан «Большевицкая знамя», «Черноморская коммуна», Киев газеталари — «Правда Украины», «Вечерний Киев», «Радянска мистецтво» ва бошқаларда таҳсинли мақолалар пайдо бўлади. Украина республикаси бўйлаб ўтказилган сафарлардан қайтишда оркестр Москва ва Ленинград шаҳарларида ҳам қатор концертлар берди.

1953—1956 йилларда оркестр ижодий ҳаётида яна муҳим воқеалар рўй берди, концерт фаолияти кенг қулоқ ёзди. 1953 йилда Фарғона водийси ва Хоразм вилоятига икки катта концерт сафари уюштирилади. 1955 йилнинг ёз фаслида эса оркестр Латвия, Эстония республикалари, Россия Федерациясининг Москва, Ленинград, Калуга, Мурманск, Североморск, Нарва, Кронштадт, Зеленогорск, Қозон, Петрозаводск шаҳарларида катта концерт сафарида бўлиб қайтади. Бу сафарда ҳам Аҳмад Одилов якканавоз ижрочи сифатида иштирок этади. Маҳаллий газеталарда босилган қатор ижобий тақризларда тингловчилар оркестр ва якканавоз ижрочиларнинг санъатидан баҳраманд бўлганликлари баён этилди.

Санъаткорлардан рубобчи — Аббос Баҳромов, хонандалар — Коммуна Исмоилова, Адиба Мирзаева, Клара Жалилова оркестр жўрлигида Кавказorti минтақасидаги Боку, Ереван, Тифлис, Батуми, Краснодар, Сочи, Кисловодск, Пятигорск, Туапсе, Ессентуки, Железноводск каби кўпгина шаҳарларда ўтказилган концертларда қатнашишган бўлса, Аҳмад Одилов ҳам якканавоз ва оркестр дирижёри сифатида фаол иштирок этади. А. И. Петросянц раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолғу

асбоблари оркестрининг юксак ижрочилик маҳорати ва кўп йиллик мусиқий-маърифий фаолиятига ҳукумат томонидан катта эътибор берилди. У фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. А. Қодиров, С. Габриэлян (най), А. Баҳромов (ғижжак), М. Тонров (рубоб), Ф. Харратовлар (най) қаторида Аҳмад Одилов (чанг) ҳам «Ҳурмат белгиси» ордени, «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланди. 1957 йилнинг ёзида оркестрининг 38 нафар ижрочиларидан ташкил топган ёшлар жамоаси истеъдодли дирижёр Наримон Алимов билан биргаликда Бутуниттифоқ ёшлар фестивалининг концертларида қатнашди. Қатор қардош халқларнинг чолғу асбоблари оркестрлари қатнашган бу кўрик-танловда ўзбек ёшлари жамоаси Биринчи даражали мукофот ва «Олтин медал» билан тақдирланади. Аҳмад Одилов ҳам биринчи мукофотга сазовор бўлади. Ижрочиларимиз маҳорати наинки Ҳайъат аъзоларида, балки мусиқий жамоатчилик қалбида ҳам катта таассурот қолдирди. Натижада оркестр жамоаси, шу қаторда Аҳмад Одилов Москвада утказиладиган ёшлар ва талабаларнинг VI жаҳон фестивалида қатнашишга тавсия этилди. У бу гал ҳам қатнашиб фестивалнинг юксак мукофоти — лауреатлик унвонига муносиб деб топилди. Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрида кўп йиллик фаолият Аҳмад Одиловнинг ижодий ҳаётида унутилмас тарихий воқеа, илҳом манбаи, изланишлар мактаби бўлиб қолди. Янги ижодий ютуқларга эришишга куч-қувват ва қанот бағишлади. Аҳмад Одилов оркестрда чангчилар гуруҳи концертмейстери, якканавоз чангчи ва дирижёр сифатида 1957 йилнинг кузигача ўз ишини давом эттиради.

1957 йилнинг сентябрь ойида А. Одилов ўзининг таҳсил маскани — Тошкент давлат мусиқа билим юртининг директори этиб тайинланади. Мазкур ўқув юртида у, кадрлар тайёрлаш, уларнинг билим савиясини замон талаби даражасига кўтариш, республика мусиқа ҳаётида улардан унумли фойдаланиш каби ишларни ижобий ҳал этишда астойдил меҳнат қилади, анчайин самарали натижаларга эришади.

Мусиқа билим юртида Аҳмад Одиловда таҳсил олганларнинг кўпчилиги кейинчалик республикамиз санъати усталари бўлиб етишди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари, композиторлар Мирсодиқ Тожиёв, Султон Ҳайитбоев, Энмарк Солихов, Рустам

Абдуллаев, дирижёр Фани Тулаганов, Ўзбекистон халқ артистлари, хонандалар Хайрулла Лутфуллаев, Урозимбек Муродов, мусиқашунослар — санъатшунослик фанлари докторлари Т. Гофурбеков, С. А. Закржевская, Ш. С. Янов — Яновская, профессор Т. Е. Соломонова шулар жумласидандир.

Қардош республикалар ва хорижга янги сафарлар

1960 йилларда Республика мусиқа маданияти муайян юксалтиш даврини кечирди. Хусусан, ўзбек халқ чолғу асбобларида эл таниган моҳир созандалар етишиб чиқди. Муҳими, ижрочилик санъатида эришилган ютуқларни қардош республикалар ва хорижий мамлакатларда тарғиб этиш имконияти яратилди. А. Одилов, Ф. Харратов, Ф. Шукурова, Т. Собировлар — чангда, А. Бобохонов, А. Баҳромов, Т. Ражабовлар — рубобда, А. Қодиров, М. Муҳамедов, М. Тоиров, Ш. Аҳмаджоновлар — найда, Қ. Дадаев, О. Қамолхўжаев, А. Бараев, И. Икромов, ака-ука Исмоиловлар доирада кўпгина қардош халқлар даврасида ва хорижий мамлакатларда ном чиқаришди. Бу жараёнга Аҳмад Одиловни қўшган ҳиссаси ҳам сезиларли даражада бўлди. У ўз маҳоратини ниҳоятда бойитди. Ижросида ажойиб техника, товушлар жозибаси пайдо бўлиб, ҳам анъанавий, ҳам академик ижро услубларини пухта эгаллаган чангчилар қаторига қўшилди. Унинг репертуаридан «Ажам тароналари», «Муножот» қисмлари, «Мушкулоти Дугоҳ», «Насри Сегоҳ», «Уфори насри сегоҳ», «Насруллоий», «Не ажаб — Дилдор», «Муҳаммаси Мавлони», «Дилхирож», «Роҳат», «Қўшчинор», «Гулузорим» каби мослаштирилган куйлар ва туркумий асарлар ўрин олди. Шу билан бирга, И. С. Бах, Г. Гендель, Л. Бетховен, В. Моцарт, И. Брамс, А. Дворжак, Ж. Бизе, Н. Паганини, П. Чайковский, А. Хачатурян, Д. Кабалевский, М. Ашрафий, С. Юдаков, М. Бурхонов, И. Ҳамроев, Г. Қодиров, С. Бобоев, А. Отажонов, М. Тожиёв, У. Ҳожибеков, С. Алескеров, Ҳ. Хонмамедов, Ф. Амиров каби композиторларнинг кенг тарқалган асарлари Аҳмад Одилов ижросида кўп мамлакатларда мунтазам янграб келди. Маълумки, моҳирлик билан талқин этилган куй ёки қўшиқ одамлар юрагига ўзи йўл топади, турли халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қардош халқларнинг мусиқаси ва санъат усталари билан яқиндан танишган А. Одилов, ўз режаларини йилдан йилга бойитди. У ўзининг 1973 йил Ереван консерваториясида, 1974 йил Қурманғози номидаги Олмаота консерваториясида, 1979 йил Узеир Ҳожибеков номидаги Озарбайжон консерваториясида, 1981 йил Мирзо Турсунзода номидаги тожик санъат институтида, 1989 йил Вильнюс консерваториясида ўтказилган ҳисобот концертларида ижрочилик маҳоратини юксак даражада эгаллаган созанда эканлигини кўрсатди.

Санъаткор, собиқ иттифоқ Маданият вазирлиги тавсияси билан 1974 йили Вьетнам Республикаси буйлаб концерт сафарига бўлиб қайтди. Айниқса, Ханой консерваторияси ва мусиқа билим юртининг ўқитувчилари ва талабалари билан бўлган ижодий учрашувлар, концерт чиқишлари учмас таассурот қолдирди.

«Мен Вьетнам сафарига бўлганимда, ўзбек халқ чолғу асбобларидаги ижрочилик санъатига катта ҳурмат билан қаралганда, яхши куй, етук ижро ажнбийларга ҳам нечоғлиқ чуқур таъсир этиши мумкинлигининг гувоҳи бўлдим. Ҳамкасбларим билан дўстлашиб олдик, қизиқарли суҳбатлар, айрим созларнинг бир-бирига яқинлиги, ижро услублари ўхшашлиги ҳақида фойдали мулоқотлар ўтказдик. Асосий мақсад — Тошкент ва Ханой консерваториялари ўртасида ижодий ҳамкорликни ўрнатиб эди ва бу ҳақда яқдиллик билан қарор қабул этилди.

Ўзбек — Вьетнам халқ чолғу асбоблари бир-бирлари билан қиёс қилинса, уларнинг номлари ҳар хил бўлсада, тузилиши, товуш ҳосил қилиш йуллари, ҳатто ижро услублари жуда яқин экан.

Ханой консерваториясининг ректори жаноб Нгуэн Чонг Бонг, проректорлар — Нгуэн Тхи Нунг хоним, жаноб Бу Хи Онг, факультет декани Суан Хай жаноблари билан ижрочилик муаммолари ҳақида давра суҳбатлари ўтказилгани, кафедра раҳбарлари — Хак Ти, Фионг Бао, Май Фионг, Хуан Зунг, Ханг Тхай, Тхао Занг, Динг Ланг ва бошқалар билан самимий учрашувлар ҳамон ёдимда», — деб эслайди А. Одилов.

1960—1980 йилларда хорижий мамлакатларга концерт сафарлари янада фаоллашади. 1966 йилнинг октябрь, ноябрь ойларида А. Одилов Ўзбекистон санъат усталари гуруҳи билан Польша Республикаси буйлаб уюштирилган концерт сафарига қатнашди. Халқ ар-



1-расм. Профессор А. И. Петросянец синфида очиқ машғулот пайти. Чапдан: А. Муҳитова, А. Баҳрамов, Л. Султонова, О. Холмуҳамедов, О. Соيفер (концерт-мейстер), О. Васильев, А. Одилов (чанг чолғуси билан), (Тошкент консерваторияси, 1950 й.).



2-расм. Ўзбек халқ чолғулари оркестрининг бир гуруҳ созандалари. I қаторда. Чапдан: М. Тоиров (най), В. Борисенко (рубоб), А. Баҳрамов (прима рубоби), О. Одилов (чанг). II қаторда: А. Қодиров (най), Б. Мирзааҳмедов (дашқар рубоби), Ф. Харратов (чанг) (1951 й.).




3-расм. Халқ чолгулари ансамбли Польша сафарида. Чапдан: Т. Сайфуддинов (доира), Т. Носиров (ғижжак), А. Одилов (чанг, раҳбар), М. Тоиров (най), Б. Зиямуҳамедов (қашқар рубоби), (ноябрь 1966 й).



4-расм. Москва. Ешлар ва талабалар VI жаҳон фестивалининг Ўзбекистон вакиллари. I қаторда. Чапдан: О. Холмуҳамедов, А. Одилов, Ф. Мирусмонов, И. Исломова ва бошқалар (1957 йил).



5-расм. Эстонияда Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси қатнашчиларини кутиб олиш пайти (Саррема ороли, 1968 йил).



6-расм. Вьетнам. Ханой консерваториясида концерт пайти Чапдан Хак Ти (Дан Бау), А. Одилов (чанг), Ханг Тхай (Бубен) (1971 йил).



7-расм. Сурия Халифа (Алеппо) шаҳрида Ўзбекистон маданияти кунларида шаҳар жамоатчилиги билан учрашув-концерт пайти, *А. Одил* оғзаки маърузаси. Маданият марказининг масъул ходими *Нажб* жаноблари (1971 йил).



8-расм. Олмота давлат консерваторияси доцентлари: *Г. Молдакаримова* ва *Б. Косбасаровлар* билан ижодий учрашув пайти.



9-расм. 1980 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган Осиё мамлакатлари қўғирчоқ театри минтақавий фестивалининг ташкилий Қўмитаси жюри ҳайъати (1980 йил).



10-расм. Тошкент ва Ханой консерваториялари орасида ижодий ҳамкорлик битимини имзолаш пайти. А. Одилов (кафедра муdiri) ва НГУДН Тхи НУНГ (Ханойки илмий ишлар буйича проректори) (30.06.1986 й. Ханой).



11-расм. 1989 йил, 12 февраль ТД консерваториясининг катта зали. А. Одиловнинг ижодий кечасига бағишланган концертдан кейинги шогирдларнинг қутлови.



12-расм. Профессор Аҳмад Одилов халқ чоғуларни буйича. V республика танлови ғолиблари ва шогирдлари билан «Баҳор» концерт залида тасвирланган давҳа. Чақдан, биринчи қаторда: К. Шермагов, Т. Бобиров, А. Одилов, Ш. Пудилошев, С. Абдуразақов, О. Саидов ва бошқалар. Чақдан, иккинчи қаторда: У. Умаров, Х. Машарипов, У. Сайдилов, Б. Аҳмадалиев, Д. Муратовлар (1988 й.).



13-расм. Ўзбек халқ чолғулари бўйича ёш соҳанда-ижрочилар V республика танловининг ташкилий раҳбарлари. Чапдан: Ш. Иўдошев, С. Содиқов, О. Холмуҳамедов, Ш. Кашалиев (танлов ҳайъатининг раиси), М. Тоиров, Н. Абдуматов, А. Одилов (раис муовини), Р. Абдуматов (1988, йил. «Баҳор» концерт зали).

гисти Саодат Қобулова, Ўзбекистон халқ артисти Сасон Беньяминов, хизмат кўрсатган артистлар Офелия Юсупова, Роза Юсупова, Розалинда Лаут, Севилья Тангуриева мазкур гуруҳ асосини ташкил қилиб, улар ўз санъатларини поляк халқига, Шимолий ҳарбий қисм қўшинларига жами 40 дан ортиқ суҳбатли концертларини намоён этишди.

Аҳмад Одилов раҳбарлигидаги чолғу ансамбли гуруҳи Республикада хизмат кўрсатган артистлар Мирза Тоиров (най), Талъат Сайфуддинов (донра) ва чолғучилар Баҳодир Зиямуҳамедов (рубоб), Т. Носиров (ғижжак), Радион Макаренко (баян)лардан иборат эди. Бу ижодий сафар чоғида санъаткорларимиз улар қаторида А. Одилов матбуот саҳифаларида мақтовлар олди.

Польшада чиқадиган «Знамя Победы» газетасининг 1966 йил 12 ноябрь сонидида эълон қилинган «Серқуёш Ўзбекистон элчилари» мақоласида журналист В. Можаров қуйидагиларни ёзган эди: «Тоғлар нафаси, бепоён саховатли ерлар тафти, мовий жанубий осмон таровати, ўзумзорларнинг хушбўй шабадалари, тошкентликларнинг мардонаворлиги ва ўзбекларнинг меҳнатсеварлиги доцент Аҳмад Одилов раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли ижро этган дилрабо миллий оҳангларда, Ўзбекистон композиторларининг гўзал асарларида ўз аксини топган».

1971 йилнинг куз фаслида эса санъат усталарининг режалаштирилган навбатдаги сафари Сурия ва Ливан мамлакатлари бўйлаб бўлди. Бу галги концертлар ҳам қадимдан санъатни асраб-авайлаб келаётган мамлакатларда Ўзбекистон маданияти ва санъати кунларига бағишлаб ўтказилди.

Ўзбекистон кўнлари қатнашчилари икки гуруҳдан иборат бўлиб, биринчиси, асосан ишчи-хизматчилар, зиёлилардан, иккинчиси Аҳмад Одилов раҳбарлигидаги санъат усталари бўлиб, унга хонандалар Гулсара Ёқубова ва Хайрулла Лутфуллаев, раққоса Сайёрахон Мусаева, найчи Мирза Тоиров, доирачи Равшан Акбарбековлар киритилган эди.

Ижодий сафарининг самарали утишига Халқ артисти, машҳур санъаткор «Осиё устида бурон» фильми қаҳрамони сифатида қатнашган Шукр Бурҳоновнинг қатор учрашувларда ўта ҳароратли ва мазмунли чиқишлари ҳам сабаб бўлган эди.

Диёримиз меҳмонлари Суриянинг Дамашқ, Халаф, Хомс, Латтакио шаҳарларида қизиқарли суҳбатлар, санъат байрамига айланган тантаналарда иштирок этдилар, қалб қўри билан йўғрилган куй ва қўшиқлар баралла янгради, томошабинлар дилларига муносиб бўлди.

Суриянинг Халаф шаҳрида чиқадиган «Ал-Жум-хурия» газетасининг 1971 йил, 14 декабрь сониди ўзбекистонлик ижодкорлар шаънига ва уларнинг мафтункор санъатига юқори баҳо берилган эди. Суриядан сўнг концерт сафари Ливан мамлакатида давом этди.

Ўзбекистонлик меҳмонларни таниқли давлат арбоби, собиқ Иттифоқнинг Суриядаги Фавқуллода ва Мултор элчиси Нуриддин Акромович Муҳиддинов бошчилигидаги жамоа кузатиб қолади.

Кўп ўтмай Ливан мамлакатининг тоғли қисмига жойлашган водий марказига етиб келинади. Меҳмонларни таниқли адиб, давлат арбоби бу ердаги элчихона раҳбари Сарвар Азимов бош бўлган ходимлар ва маданият вакиллари кутиб оладилар. Ливаннинг пойтахти Байрут шаҳрига кечқурун етиб келинди. Бир ҳафта давом этган Ўзбекистон маданияти ва санъати кўнлари давомида Ливан диёрининг кўп шаҳарларида, жумладан машҳур Аждар водийсида концертлар, ижодий учрашувлар, мароқли суҳбатлар ўтказилди. Деярли ҳар бир тадбир ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтганлигига матбуотда эълон қилинган мақолалар далилдир. «Аль байрак» (23.12.1971) ва «Анеда» (Ливан) (24.12.1971) газеталаридаги «Иттифоқ санъатининг кечалари» номли мақолада Ўзбекистон санъаткорлари ҳақида шундай ёзилган эди: «Иттифоқ маданият марказида санъат кечаси бўлиб ўтди. Кечани ўзбек—араб дўстлиги жамияти фаоллари ўтказди, кечада ўзбек ва тожик халқ куйлари, ашулалари ва рақслари ижро этилиб, кўп сонли томошабинлар томонидан гулдурос оқнишлар билан қарши олинди» (мазкур газеталарда қизиқарли тасвирий лавҳалар ҳам берилган эди).

Аҳмад Одиловнинг навбатдаги концерт сафари Венгрияга бўлди. 1977 йилнинг июнида Сегеда шаҳрида бўлиб ўтган фольклор рақсларининг Халқаро танловида Ўзбекистон касаба уюшмалари халқ этнографик рақс ансамбли (бадний раҳбари Ўзбекистон халқ артисти Маргарита Оқилова) қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу мусобақада ўзбек халқ чолғулари ансамбли фаол

қатнашиб, чангда Аҳмад Одилов (раҳбар), найда Рабим Ҳамдамов, доирада Анвар Бараев, Зухур Муҳиддинов, гижжақда Салоҳиддин Тўхтасиновлар иштирок этишди. Ўзбек халқ этнографик рақс ансамбли Халқаро кўрикнинг Биринчи даражали диплом ва «Золотая туфелька» юксак мукофоти билан тақдирланди.

1980 йилнинг ёз фаслида Польша Республикасининг Зелена Гура шаҳрида Халқаро «Ўзум сайли» байрам—фестивали бўлиб ўтди. Бу Халқаро анжуманда қатнашиш учун ижодий жамоалар танловида ғолиб чиққан Тошкент шаҳрининг маданият бошқармаси тасарруфидаги «Баёт» ансамбли йўлланма олишга муваффақ бўлди. Бу ашула ва рақс ансамбли таркибидаги халқ чолғу ансамблига ҳам Аҳмад Одилов раҳбарлик қилди. Халқаро фестивалда «Баёт» ансамбли ва халқ чолғу ансамбли биринчи мукофотга сазовор бўлди. Фестиваль доирасида ўтказилган якка созандалар танловида эса Аҳмад Одилов Олтин белги билан тақдирланди. Бу танловда у «Роҳат» ва «Ўсмония» куйлари ҳамда Ф. Шопеннинг қатор вальсларини ижро этган эди.

1982 йили Аҳмад Одилов Ўзбекистон санъат усталари гуруҳи билан Болгария бўйлаб концерт сафарида бўлди. 1986 йили июнь, июль ойларида Вьетнам Республикасида иккинчи марта концерт сафарида қатнашиб, Ханой, Халонг, Хайфон шаҳарлари ва қатор вилоятларида катта концерт чиқишлар, мароқли ижодий кечалар ўтказилди. Бу концертларда Тошкент консерваториясида 1982 йил тўрт ойлик малака ошириш курсида таълим олган Ханой консерваториясининг тажрибали ўқитувчилари Ни Тьонг (Ли Тхай Лук, 16 торлик соз), Нгуен Ханг Тхай (сао, найсимон чолғу), Хо Хак Ти (Дан Бау 1 торли соз) ўз чолғулари билан ҳамроҳ бўлдилар. Концерт чиқишлар ижрочилик репертуарининг рангбаранглиги туфайли тингловчиларда чуқур таассурот қолдирганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

1986 йили Боку шаҳрида машҳур композитор, Озарбайжон опера санъатининг асосчиси, йирик талқиқотчи Узсир Ҳожибеков (1885—1948) таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирларда ҳам Аҳмад Орипов фаол қатнашиб, ўз ижрочилик санъатини мусиқий жамоатчилик эътиборига ҳавола этди.

Юбилей доирасида халқ чолғу асбоблари ижрочиларининг Халқаро кўрик-конкурси ҳам бўлиб ўтди. Бу танловда Кавказорти, Урта Осиё ва Қозоғистон рес-

публикаларидан 70 дан ортиқ созандалар қатнашди. Камонли торли созлар бўлинмаси ҳайъатининг раиси этиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Аҳмад Одилов яқдиллик билан сайланади. Мизробли торли асбоблар бўлинмаси ҳайъатининг раиси қилиб Озарбайжон халқ артисти, профессор Сулаймон Алексеров тайинланади. Танлов доирасида халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг тараққиёти борасида ютуқлар ва камчиликлар ҳақида мутахассислар фикр алмашиб олдилар. Ўзбекистон Республикасидан қатнашган 9 нафар ижрочидан Қ. Назиров (ғижжак), У. Эргашев (чанг), М. Отахўжаевлар (прима рубоби) юксак ижрочилик маданиятини, халқ чолғу асбобларининг бой имкониятларидан фойдаланиш қобилиятини намоиш этдилар ва биринчи мукофотга лойиқ топилди, лауреатлик унвони билан тақдирландилар.

«Озарбайжон муаллими» газетасидаги «Дўстлик байрами» деб номланган мақола муаллифи Ойдин Қодирова билан бўлган суҳбатда А. Одиловнинг конкурс ҳақидаги таассуроти баён этилган. «Бокуда ўтказилган У. Ҳожибеков номидаги Халқаро танлов Шарқ республикаларининг мусиқа ҳаётида буюк ҳодисадир. Мусобақада халқ чолғуларидан тор, камонча, дутор, чанг, қонун, сантур, уд, қубиз, дўмбира ва бошқа созлар ижрочилари ўзларининг маҳоратларини намоиш этдилар.

Мусобақада чолғу ижрочилигида қатор муаммолар борлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Булар, миллий мусиқий чолғуларни янада такомиллаштириш зарурлиги, илмий-методик қўлланмалар камлиги, халқ чолғу асбобларига махсус мусиқий асарлар яратиш ва қардош халқларининг миллий чолғу ижрочилиги талабларига жавоб берадиган юқори малакали ижрочиларни етиштиришдан иборатдир.

Буюк композитор У. Ҳожибековнинг биринчи ва иккинчи «Фантазия»ларини барча мусобақа иштирокчилари ўзларининг миллий чолғуларида ижро этганликлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Бу ҳол ҳозирги пайтда миллий мусиқа чолғу асбоблари ва созандаларнинг ижро имкониятларини кенгайтганидан далолат беради.

Айни чоғда бу мусобақада қардош халқлар композиторлари асарларига бўлган алоҳида қизиқиш ҳамдир. Ушбу қатор асарларни алоҳида завқ билан ижро этиш халқлар ўртасида дўстликни, мусиқа соҳасида бир-бирлари билан маданий алоқани мустаҳкамлашга қаратил-

ди. Конкурс қатнашчилари халқ чолғуларида Бах, Моцарт, Бетховен, Паганини, Чайковский, Глинка каби буюк композиторларнинг нодир асарларини юксак маҳорат билан ижро этганликлари жуда қувонарли ҳодиса бўлди. Барча мусобақа қатнашчиларига ва ғолибларига мусиқий ижрочилик соҳасида улкан муваффақиятлар тилаб қоламан».

1991 йилнинг март ойида Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида яна бир халқаро анжуман ўтказилди.

Марказий Оснё республикалари Ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатлари ўқувчи созандаларининг минтақавий танлов-конкурси бўлиб ўтди. Бу танлов конкурсида Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистон республикаларидан 60 дан ортиқ ёш истеъдодли созандалар қатнашди. Ҳакам ҳайъати қарори билан унинг раислигига профессор Аҳмад Одилов сайланди. Конкурс доирасида ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Яқунловчи ҳисобот концерти ва мукофотлар топшириш Душанбе шаҳрининг С. Айний номидаги опера ва балет театрида танташали равишда ўтказилди. Республика Маданият вазирининг муовини Толиб Шохидий ва Тошкент давлат консерваториясининг профессори Аҳмад Одиловларнинг яқунловчи маърузаларини йиғилганлар алоҳида эътибор билан тингладилар.

Сафарлар ҳақида ҳикоямизни яқунлар эканмиз, таниқли устоз санъаткор, мураббий, Давлат мукофоти совриндори, Халқ артисти Ҳалима Носированинг А. Одиловга таааллуқли фикр-мулоҳазаларини баён этишни лозим топдик.

«Куй ҳар биримизнинг қалбимизга она алласи билан кириб келади, умрбод ошно бўлиб қолади. Айниқса, миллий чолғуларимиздан таралган нафосатли садоларни, тароналарни тинглаш ҳар биримизда беқиёс таассурот қолдиради.

Мусиқага қизиқиш, уни дилдан севиб ижро этиш ҳаммага насиб этмайди. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатини халқимизнинг бир неча авлоди вакиллари яратди. Бироқ улар орасида янги йўналишдаги чанг чолғуси ижрочилик санъатининг тамал тошини қўйган улуғ зотлар Фахриддин Содиқов, Аҳмад Одилов, Фозил Харратовлар каби устозларнинг хизматлари ҳеч унутилмасдир.

Ажойиб санъаткор, узоқ йиллар мобайнида педагог-

лик билан шуғулланиб келаётганига қарамай Аҳмад Одидов ҳам ижрочилик фаолиятини асло унутган эмас.

Мен бу ажойиб санъаткор билан фахрланаман. Кўпгина концерт сафарларида бирга қатнашганман. Айниқса, Хитой Халқ Республикасида ҳамда Украинада ўтказилган катта концерт сафарларимиз давомида миллий санъатимизнинг равиқини минглаб томошабинларга кўз-кўз қилди.

Хитой сафарида 1950 йилнинг ноябрь ойида Ашот Петросянц раҳбарлигидаги халқ чолғулари оркестри жамоаси билан қатнашганимиз ҳамон ёдимда. Концерт бригадаси таркибида ора Эшонтўраева, Мукаррама Турғунбоева, Назира Аҳмедова, Фулом Абдураҳмонов, Комилжон Отаниёзов, Ноила Ҳошимова, Насим Ҳошимов, Ҳалима Комилова, Меҳри Абдуллаева, Муҳаммаджон Мирзаев сингари буюк санъаткорлар ҳамроҳ бўлишган. Концерт сафаримизда Аҳмаджон якканавоз чанг чолғучиси ҳамда оркестр дирижёри сифатида томошабинлар эътиборини қозонди. Концертларимиз Урумчи, Хўтан, Қашқар, Гулжа, Ёркент каби машҳур шаҳарларда муваффақиятли равишда ўтди. 1952 йилнинг июль, август ойларида Украинанинг 17 шаҳрида концерт сафарида бирга қатнашганмиз. Қаерга бормайлик, концертларимиз ўта мазмунли ўтганлиги ҳақида республика газеталари саҳифаларида кенг ёритилган. Айниқса, чанг чолғуси Украина ёшларига ниҳоятда ёқиб қолиб, Аҳмад ижросини бетакрор, зўр қизиқиш билан қарши олганликлари эсимда.

Еш созанда Моцарт, Бизе, Чайковский асарларини, украин ва ўзбек халқ куйларини ижро этганида мезонларда катта таассурот қолдирган. Чангнинг характерли садоларини, ёрқин чиройли ноталарини, ўзига хос қочиримларини эшитган ҳар бир тингловчи маҳлиё бўлиб қоларди. Созанданинг ижро мактаби шогирдларида ўз аксини топган. Республикаимизнинг қайси шаҳар, қишлоғига борманг, уни шогирдлари қанот ёзган. Унинг яратган китоблари, тўпламлари, илмий мақолалари ўқув жараёнида кенг қўлланилмоқда. Аҳмаднинг ҳали режалари катта. Мен унга сиҳат-саломатлик, баракали ижодий муваффақиятлар тилаб қоламан».

Қиссадан ҳисса қилиб шуни таъкидлаш жонзки, Аҳмад Одидовнинг қардош ва хорижий мамлакатлардаги концерт сафарлари ниҳоятда сермазмун, серфайзли бўлиб ўтганлиги ҳақида наинки матбуот материаллари,

балки расмийлаштирилган кўпгина ҳужжатлар, фотолавлар мавжуд.

ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲАЛАР

Аҳмад Одидов илмий-методик кўрсатмалар, басталанган куйлар, чанг ва фортепиано учун мослаштирилиб ноталаштирилган халқ мусиқа намуналари, дарсликлар, тўпламлар муаллифи ва тузувчисидир. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати тарихига оид А. Одидовнинг рисола — китобларини Ўзбекистондан ташқарида ҳам зўр қизиқиш билан ўрганишмоқда. Булар зарур ўқув-услубий, амалий қўлланма сифатида санъат ва маданият олий ўқув юртларида, ўрта мусиқа ва санъат билим юртларида, болалар мусиқа мактабларида кенг қўлланилмоқда.

Аҳмад Одидовнинг ижодий ва бастакорлик фаолияти ҳам самарали ва кўп қирралидир. Иқтидорли ижодкор бир асарни ёзиб тугаллаш биланоқ, зудлик билан иккинчи асарни яратишга киришади. Унинг баракали ижодий фаолияти уч йўналишда кечади:

1. Ўзбек халқ чолғулари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва мусиқий асарлар тўпламларини яратиш.

2. Чанг чолғусига махсус мусиқий асарлар яратиш, композиторлар асарларини чанг ва фортепиано чолғуларига мослаштириш бўйича тўпламлар яратиш.

3. Бебаҳо бой мусиқий меросимиз бўлган ўзбек халқ мусиқасини, чанг чолғуси ижрочилиги имкониятларига мослаштириб, фортепиано жўрлигида ноталаштирилган тўпламларни яратишдан иборатдир.

А. Одидовнинг илмий-методик кўрсатмалари, дарсликлари, ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихини шарҳловчи рисоалари шу қадар кўпки, уларни бирмабир санаш амри маҳол, аммо улар орасида тўртта асарни тилга олмасликнинг сира иложи йўқ.

Булар: «Чанг учун дарслик» (А. И. Петросянц билан ҳамкорликда ёзилган) 1961, 1978 йилларда ўзбек ва рус тилларида нашр этилган, юқори илмий савияда ёзилган. Бу дарсликнинг майдонга келиши мусиқий маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

Аҳмад Одидов (А. Лутфуллаев билан ҳамкорликда) нашрга тайёрлаган икки жилдли «Чанг учун дарслик» уч марта қайта нашр этилди. Дарсликка ўзбек халқ му-

сиқаси ҳисобига кенгайтирилган дастур асосида замонавий ўргатишнинг янги услублари киритилди. «Чанг учун гамма машқ ва этюдлар» номли ўқув қўлланмаси ҳам ижодкорнинг кўп йиллик изланишлари натижасида яратилган асардир. Чанг чолғусида ижрочилик техникасини ўстиришга мўлжалланган бу қўлланма, чанг ижрочилигини тарихида биринчи бор халқ мусиқаси асосида яратилди. Чанг учун олти та оригинал этюдлар киритилганлиги асарнинг илмий ва ижодий аҳамиятини янада оширган. «Чанг тароналари» номли биринчи, иккинчи, учинчи китоблари фақат Ўзбекистонда эмас, балки ундан ташқарида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Китобларда А. Одиловнинг чанг ва фортепианога басталаган асарлари, чанг ва фортепианога кўчирилган Ўзбекистон композиторларининг нодир асарлари мавжуд. Чунончи, А. Одиловнинг чанг ва симфоник оркестр учун уч қисмли концерти, И. Ҳамроевнинг чанг ва халқ чолғулари оркестри учун уч қисмли концерти, Ғ. Қодировнинг чанг ва оркестр учун уч қисмли сюитаси шулар жумласидандир.

Аҳмад Одилов бугунги ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик соҳасининг пешқадам намоёндаларидан бири сифатида, чолғуларнинг тараққиёти ва ижрочилик тарихини ўрганишга катта эътибор бериб, талайгина китоб ва мақолалар яратди.

Булардан энг муҳими «Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи» рисоласидир. Унда кўпдан бери қаламга олинмаган ўзбек халқ чолғуларида мусиқа ижрочиларининг асосий босқичлари ҳақида илк бор сўз юритилган. Рисолада халқ чолғулари кўҳна тарихидан то ҳозирги кунгача бўлган давр қамраб олинган. Шунингдек, тарихий рисолада машҳур соз ижрочиларининг ижодий фаолиятларига алоҳида-алоҳида ўрин берилган. Муҳаммад Ёқуб Харратов, Ота — Жалолiddин Носиров, Ҳожи Абдулазиз Расулов, Уста Олим Комплов, Абдуқодир Исмоилов, Аҳмадjon Умурзоқов, Тўхтасин Жалилов, Николай Назарович Миронов, Муҳиддин Қориёқубов, Ашот Иванович Петросянц, Юнус Ражабий сингари устозларнинг меросларини юзага чиқариш учун алоҳида ўрин ажратилганлиги диққатга сазовордир. Санъат ва маданият ўқув юртлари муаллимлари ва талабалари учун гоят фойдали ўқув қўлланмадир.

Аҳмад Одиловнинг учинчи йўналишдаги баракали ишлари ҳам мазмунлидир. Ўзбек халқ чолғучилик ма-

даниятига синчиклаб назар ташласак, созандачилик амалиёти хилма-хил жанрлар билан боғланганлигининг гувоҳи бўламиз. Халқ оғзаки меросида мақомлар, достоплар ва мусиқий ижрочилик ижодида шаклланган дурдона куйлар ижрочилик санъатининг сермазмунлигидан далолат беради. XX асрда созандачиликнинг ривожланиши учун янги саҳифа очилади. Бу билан бирга, анъанавий монодик йўналишдан ташқари кўп овозли гомофонгармоник тизими мустақкам ўрин ола бошлайди. Янги композиторлар авлоди йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Тез вақт орасида ушбу изланишлар оммавий тингловчиларга маъқул бўлиб, янги миллий санъат йўналиши даражасида тан олинди.

Шундай қилиб, созанда-ижрочиларнинг дастуридан ўзбек халқ мусиқасини чолғуларга мослаштирилган, ноталаштирилган, ўгирилган оркестр ёки фортепиано жўрлигидаги намуналари алоҳида ўрин олди. Жумладан, бу янги йўналиш, янги миллий санъат Аҳмад Одиловнинг бастакорлик ижодида ўз аксини топди. Бастакорлик бўйича устозлар Б. Б. Надеждин, Б. Ф. Гиенколардан олган билим ва ижодий тажрибалари асосида 1950 йиллардан бошлаб бу хайрли ишга астойдил киришиб, ижобий натижаларга эришади. Чанг ва фортепиано учун халқ куйлари асосида қатор пьеса ва рақслар басталайди. Утган давр нчида 80 тага яқин ўзбек халқ мусиқаси, ўзбек халқ куйлари намуналари, бастакорлар асарларини чанг ва фортепиано чолғуларига ноталаштириб, эркин мослаштиришга мувофиқ бўлди. А. Одиловнинг ижодидан намуналар тўплам сифатида чиқарилиб, кенг кўламда қўлланилмоқда.

Булар: I. Ўзбек анъанавий мусиқа меросидан туркумли асарлар: Муножот, Савти Муножот, Уфори Муножот, Наврўзи Ажам, Ажам тароналари, Мушкулоти Дугоҳ, Мушкулоти Дугоҳ Мўғилчаси, Уфори Мушкулоти Дугоҳ, Сегоҳ, Уфори Сегоҳ, Насри Сегоҳ, Уфори Насри Сегоҳ, Самой Дугоҳ, Насрулло, Уфори Насрулло, Гардуни Дугоҳ, Гардуни Сегоҳ, Гардуни Наво, Эшвой ва Уфори Қалабанди, Ҳожи Ниёз I, II, III.

II. Ўзбек халқ куйлари: Фарғонача жопон, Чаман ялла, Фарғонача, Қўшчинор, Не ажаб — Дилдор, Роҳат, Алиқамбар, Чўли Ироқ, Гулбаҳор ва Тановар, Усмония, Жазоир, Ёлғиз, Оромжон, Шароб.

Ўзбек бастакорларининг асарларидан: Ҳ. Расулов — Гулузорим, Бозурговий, Ю. Ражабий — Ражабий 2,

Куйгай, Кошки, М. Мирзаев — Шодлик, Уфори санам ва янги тановар, Дилдор.

Аҳмад Одиловнинг яратган куйлари, чанг учун яратилган концерт услубидаги этюдлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари, мусиқа ва санъат ўқув юртларида кенг қўлланилмоқда. Республика танловлари, концерт чиқишлари дастурларида салмоқли ўрин эгалламоқда. Бинобарин, созандачилик ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бу ажойиб инсон ўзининг бутун умрини мусиқа ва санъатга бағишламоқда. Ҳозир Аҳмад Одиловнинг айни куч-қувватга тўлган пайти. У «Ўзбек халқ чолғуларини ўргатиш услубияти» китобини яратиш, мақом намуналарини чанг чолғусига ноталаштириш устида ижод қилмоқда. Биринчи маҳсулоти А. Назаров билан ҳамкорликда Ўзбекистон композиторлари ижодидан тузилган «Ўзбек халқ чолғулари учун» номли тўплами нашрдан чиқди (Т., 1997).

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

Аҳмад Одиловнинг ижодий йўли 1948 йил (талабалик чоғлари) дан бошланган, қарийб ярим асрлик ўқитувчилик, ижрочилик, илмий-ижодий ва ташкилий-жамоатчилик ишлари бир-бирини узвий тўлдирган ҳолда кўп жиҳатдан ибратлидир. У ҳозирга қадар Тошкент консерваториясида узлуксиз фаолият кўрсатиб келмоқда. Узоқ ва мураккаб ижодий йўлни босиб ўтиб, ижрочилар, композиторлар ва ижодий зиёлилар орасида муносиб ҳурмат қозонди. А. Одилов халқ чолғу асбоблари бўйича нафақат Ўзбекистонда, балки собиқ иттифоқ бўйича биринчилар қаторида — профессор илмий унвони билан тақдирланган устоз санъаткордир.

Чанг чолғусини у замон талаблари даражасига кўтариб, ўзига хос ижрочилик мактабини яратган, илмий-амалий асосда махсус дарсликлар, ўқув дастур ва қўлланмаларини тузган услубчи олим ҳамдир. У ўзбек мусиқаси меросининг кўплаб намуналарини чанг ва фортепиано учун мослаштириб ноталаштирган. Ўз билими ва маҳоратини аямай талабаларга илм берган мураббийдир.

Ўтган 50 йил мобайнида А. Одилов М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида илмий-ижодий, илмий-педагогик ишларда фаол қатнашиб, мунта-

зам равишда иқтидорли шогирдлар тайёрлаб, Ўзбекистон мусиқа санъати ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Унинг қўлида таҳсил кўрган кўплаб созандалар, машҳур санъаткор даражасига кўтарилди ва улар фақат республикамиздагина эмас, балки Марказий Осиё, Кавказorti республикаларида шунингдек, айрим хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатмоқдалар. Ўзбекистон халқ артистлари Сайфи Жалил (профессор), Хайрулла Лутфуллаев, Талъат Сайфуддинов, Уразимбек Муродов (Мурод бахши ўғли), Ортиқ Отажонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Фаррух Мирусмоновлар фикримиз далилидир.

Республикада хизмат кўрсатган артист, профессор Мирза Тонров, профессорлар Рустам Нейматов, Сулаймон Тахалов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Фозил Харратов, Эргаш Тошматов, Одил Камолхўжаев, Тозабой Мамедиев, Ҳалим Жўраев, Тилаш Хўжамбердиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари, композитор Рустам Абдуллаев, дирижёр Фани Тўлаганов ҳам шогирдлари қаторидандир. Азизмамад Ниёзмамадов, Амин Каримов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Маданият ходимлари Фазилат Шукурова, Том Хомяков, Умар Хурсанов, Манноп Эргашевлар ҳам маълум йилларда устоздан таълим олганлар, бир қанчалари эса Олий, махсус маданият, санъат ўқув юртларида мураббийлик қилиб, халқ чолғуларидаги ижрочилик ривожига ҳисса қўшиб келмоқдалар. Чунинчи, улардан профессор Мурод Тошмухамедов, доцентлар Рустам Хўжаев, Ҳусан Набиев, Анвар Лутфуллаев, Илҳом Икромов, Шуҳрат Юсупов, Жаҳонгир Иброҳимов, Абдурахим Маликов ва бошқалар устоз сабоқларидан баҳраманд бўлганлар.

А. Одилов ташаббуси билан 1970 йилдан бошлаб ўтказилаётган ўзбек халқ чолғу асбоблари ва (баян) ёш созандаларининг Республика кўрик танловлари келтирилган аъъанага айланди. Ҳозир у ҳар 4 йилда (1970, 1974, 1980, 1984, 1988, 1992, 1996 йиллар) мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда.

Мазкур танловларда А. Одиловнинг талайгина шогирдлари ғолиб чиқиб, совринларни қўлга киритган. Булар Тоҳир Собиров, Бахтиёр Йўлдошев, Ошер Бараев, Абдувоҳид Тошпўлатов, Бахтиёр Абдурахмонов, Комил Шерматов, Дилшод Муталов, Нилуфар Иброҳимова ва бошқалардир.

Озарбайжоннинг Боку шаҳрида 1986 йили утказилган Халқаро танловнинг ғолиблари Уктам Эргашев, Умрбону Юсуповалар ҳам устознинг бевосита шогирдларидандир.

Номлари юқорида зикр этилган А. Одилов шогирдларининг кўпчилиги XX аср Ўзбекистон мусиқа санъати тарихидан муносиб урин олган янги авлодлардандир. «Қалб эҳсони» мақоласининг муаллифи Шуҳрат Зиёев Республика танловининг лауреати чангчи Тоҳир Собиров ҳақида шундай ёзади: «У (Т. Собиров) 1967 йили Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртининг чанг синфини аъло баҳолар билан тамомлаб, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида таҳсил кўра бошлади. Моҳир педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Аҳмад Одилов раҳбарлигида ўзининг назарий ва амалий билимларини такомиллаштирди.

— «Устозим Аҳмад Одилов ижро репертуари ғоят кенг, жуда билимли, ниҳоятда камтар созандадир. Санъатга садоқатни, қатъият ва мустаҳкам продани, меҳнатга виждонан муносабатда бўлишни шу устозимдан ўргандим», — дейди Т. Собиров.

«Аҳмад Одилов халқ чолғуларида ижрочилик санъати устаси, ғоят камтар созанда сифатида ҳамкасблари, санъат мухлислари орасида ҳурматга сазовор экан, бунга аввало, ўзининг меҳнатсеварлиги, серғайратлиги, санъатга бўлган чуқур ҳурмати эвазига эришган. Бу борада у ҳали яна кўп ижодий ютуқларга эришишига ишонамиз» — деб ёзади Рустам Хўжаев, Анвар Лутфуллаев («Санъат» журнали, 12-сон 1990 йил, 3—4-бетлар).

Ўзбек халқ чолғулари ижрочилик тараққиётида ижрочиликнинг янги йўналишларини шакллантиришда, унинг янги услубиятини яратишда А. Одилов устоз санъаткор сифатида фидойилик кўрсатди.

А. Одилов чанг миллий чолғулари ансамблининг ташкилотчиси ҳамдир. Безак-ҳашаматлари бир хил ишланган, нақшинкор бир неча миллий чанг ва уларнинг ёш созанда ижрочилари сахнада намён бўлганда тингловчиларни ҳаяжон қамраб олади ҳамда мусиқа салтанатининг сеҳрини, тароватини ҳис этишади, десак муболаға бўлмас.

Миллий чолғуларимизнинг энг қадимийларидан бири ноёб усталарнинг ижодий фаолияти натижасида янги ҳаётга кириб келган чанг чолғусининг таранг тортилган

пардалари замирида не-не оҳанглар яшириниб ётмаган, унинг сир-асрорларини не-не созандалар кашф этишни орзу этмаган дейсиз.

Зеро чанг чолғусида ижрочилик санъати созанда ижрочидан чуқур мусиқий-назарий билим, юксак маҳорат, тингловчиларнинг руҳий оламини бойитиш кабиларни талаб қилади.

Ансамбль дастуридаги куйлардан Ўзбекистоннинг гўзал, хушманзара табиасти, меҳнатсевар марди майдон одамлари — тингловчилар кўз ўнгида намён бўлади. Бу ансамбль Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг чанг миллий чолғулар ансамблидир. Ушбу ажойиб истеъдодли ёшларга, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор, уста санъаткор Аҳмад Одилов раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу ансамбль бой мусиқа меросимизни тарғибот қилишда, мусиқа маданиятимизни юксалтиришда, бастакорлар яратаётган подир мусиқий асарлар билан кенг жамоатчиликни баҳраманд этишда, ёшларни мусиқий, эстетик жиҳатдан тарбиялашда фаолият кўрсатиб келмоқда. Чангчилар ансамблининг ташкил этилиш жараёнлари, ижодий фаолияти ҳақида сўзлаб беришни ансамбль раҳбари, устоз Аҳмад Одиловдан сўрадик:

«Ўзбек халқ чолғулари ансамбли ижрочилиги ўзига хос тарихга эга. Шарқ олимларининг ноёб рисолаларида, маданият ёдгорликларида, тасвирий санъат асарларида, жумладан, девордаги расмлар, сопол ҳайкалчалар ва турли хил миниатюраларда эрамининг VII асридаёқ икки турдаги халқ чолғулари ансамбли мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Улардан бири дамли ва урма зарбли чолғулар ансамбли бўлиб, карнай, сурнай, доира, ноғора каби халқ чолғуларидан иборат бўлган. Иккинчи аралаш — камер (хонаки) типдаги чолғулар ансамблидир. Бу йўсиндаги ансамбллар таркибига най, чанг, рубоблар, дуторлар, танбур, гижжак ва доира каби чолғулар киритилган. Янги давр янги ғояларни кашф этди. Халқ чолғулари замон талабига кўра янгичасига тикланди, таъмирланди, такомиллаштирилди. Бу ҳол ансамбль ижрочилиги ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатди — чолғу ансамблларининг янги турлари пайдо бўлди. Булар дуторчилар ансамбли, гижжакчилар ансамбли, доира ижрочилари ансамблири кабилардир.

Шу боис чанг миллий чолғулар ансамбли ҳам тасо-

дифан юзага келган эмас, унинг узига хос ижодий йўли ва тарихи бор.

1964 йилларда тажриба тариқасида Тошкент шаҳар халқ филармонияси қошида чанг ижрочилари ансамблини ташкил этишга қўл урдик. Тез орада чанг чолғуси ишқибозлари жалб қилиниб, йнгирма чолғудан иборат ҳаваскор чангчилар ансамбли ташкил этишга эришилди. Ижрочилар асосан ишчилар, хизматчилар, талаба ва зиёлилардан иборат бўлган. Ансамблнинг ижрочилик санъати тез орада тингловчилар, мусиқа ширавандалари томонидан қизғин кутиб олинди ва юқори баҳоланди. Чангчилар ансамбли бу илк ютуқлардан илҳомланган ҳолда ижодий етукликка интилиб, дадил изланишларни давом эттирди, ижрони юқори даражага кўтариш йўлида қатъий ишонч билан қадам ташлади. Вақт ўтиши билан, ансамбль ўсди, камолатга эришди.

Кейинчалик миллий чанг чолғулари ансамблини консерваторияда ўзбек халқ чолғулари факультети қошида ташкил қилишга қарор қилдик. Орзу-умидлар тез орада рўёбга чиқди. 1969 йилнинг сентябрь ойида ансамбль ташкил этилди. Чанг чолғулари ансамбли кўп овозли бўлиб, биринчи, иккинчи, тенор, бас гуруҳларини ўз ичига олади. Ансамбль сафида ҳозирда таниқли якканавоз чанг ижрочилари Рустам Нетьматов, Фазилат Шукурова, Тоҳир Собиров, Тальят Хўжамбердиев, Темур Маҳмудов каби талабалар бор эди. Бу уюшқоқ жамоа тинмай меҳнат қилди. Қатор концертларда фаол қатнашди. Ўзбекистон радиоси ва зангори экран орқали, мунтазам кўрсатувларда қатнашишди. Ижодий изланишлар натижасида ансамблнинг ижро репертуари кичик асарлардан бошлаб, то жаҳоннинг машҳур композиторлари Йоганн Бах, Жорж Бизе, Йоганн Брамс, Ференц Лист, Вольфганг Амадей Моцарт, Перт Чайковский, Арам Хачатурян, Ўзбекистон композиторлари Тўхтасин Жалилов, Мутал Бурҳонов, Ҳамид Раҳимов, Сулаймон Юдаков ва ўзбек мусиқий мероси ҳамда қардош халқлар мусиқаси ҳисобига янада бойиди.

1970 йил 13 июлда Москвада Касаба уюшмалари уйининг «Колонналар зали»да ансамбль юксак маҳорат билан ижро этган куйлар жаҳон мусиқа санъатининг машҳур намоёндаларини ҳаяжонлантиради. Бу ЮНЕСКОнинг ёш болалар ва ўсмирлар мусиқий-эстетик тарбиясига бағишланган анжуманида бўлган эди. Машҳур композиторлар Дмитрий Кабалевский, Арам Хачатурян,

Тихон Хренников, Анатолий Новиковларнинг самимий ташаккурига сазовор бўлдик. Чанг миллий чолғулар ансамбли юксак ижроси учун анжуман фахрий дипломи билан тақдирланди. Мусиқий жамоатчилик эътирофини қозонди. Ансамбль Озарбайжон (1979), «Тожикистон» (1981), Украина (1986), 1987 йилларда Россияда ўз ижрочилик маҳоратини намоён этди.

Ансамбль ва унинг якканавоз созанда ижрочилари Рустам Нетьматов, Фазилат Шукурова, Тоҳир Собиров, Иброҳим Холбеков, Бахтиёр Абдураҳмонов, Ҳамид Усмонов, Абдувоҳид Тошпўлатов, Уктам Эргашев, Умрбону Юсупова, Комил Шерматов, Баҳром Аҳмадалиев, Дилшод Муталов, Назира Салоҳуддинова, Сардор Нетьматов, Нилуфар Иброҳимова, Мансур Ориповлар халқ чолғулари созанда ижрочиларининг халқаро ва республика танловларининг лауреатлари фахрий унвонига сазовор бўлишди. Маъсуда Миродуллаева эса талабалик чоғларидаёқ Ереванда А. Спендиаровнинг 100 йиллиги тантанасида қатнашиб, юксак мукофотга сазовор бўлиб қайтди. Рустам Хўжаев, Илҳом Икромов, Шуҳрат Юсупов, Анвар Лутфуллаевлар мусиқа раҳбарлари сифатида консерватория ва Маданият институти доценти лавозимларида фаол қатнашиб, ёш ижрочиларга мураббийлик қилиб келмоқдалар. Фарруҳ Мирусмонов, Тозабой Мамадиёров, Эргаш Тошматов, Тилаш Хўжамбердиев, Фазилат Шукурова, Маннол Эргашевлар Ўзбекистон Республикасининг юксак мукофоти — фахрий унвонлар билан тақдирланганлар.

Чангчи миллий чолғулар ансамблининг ташаббуси билан Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси кўрсатувлари ва эшиттиришлари орқали «Чанг тароналари» руқнидаги концерт—кўрсатув анъанага айланиб қолди. Ансамбль жамоаси ҳақида марказий ва маҳаллий газета ва журналларда ўнлаб ижобий тақризлар ёритилган. Ансамбль ташкил топганлигининг 25 йиллиги мусиқий жамоатчилик томонидан 1995 йилда кенг нишонланди. Ансамбль бадний жамоаси республика танлов-кўригининг лауреати. Ҳукуматнинг олий мукофотлари—Республика Олий Кенгаш раёсатининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. 1997 йил июнь ойининг сўнгги кунларида Ўзбекистон телевидениеси орқали «Чанг тароналари» туркумидан навбатдаги концерт кўрсатуви бўлиб ўтди. Бу кўрсатувда ансамбль қўйидаги асарларни ижро этди:

Ўзбек халқ куйи—

Насри Сегоҳ, Уфори Насри Сегоҳ, С. Юдаков — «Фаргонача рақс», Қора-Қораев — «Етти гўзал» балетидан «Вальс», «Эй, сарви равон» Нодирабегим ғазали, С. Қалонов куйи, якка ашулада Юнус Ражабий номидаги мақом ижрочилари халқаро танловининг совриндори Нодира Пирматова, Ғ. Қодиров — «Ешлик сюита-си» туркумий асаридан «Ешлик марши», Дўстлик тароналари — ўзбек, рус, румин халқ мусикалари асосида тузилган «Поппуриси»ни чангчилар ансамблига А. Одилов мослаштирган. Раҳбарлар: А. Одилов, А. Лутфуллаев, фортепианода журналист Лола Абдуалёмова.

1997—1998 ўқув йилининг сентябрь ойида тузилган чанг миллий чолғулари ансамблининг янги ижодий жамоаси:

Биринчи чанг: Иброҳимова Нилуфар (V курс толибаси, VII республика танловининг соҳибаси), Қосимова Муаззам (V курс толибаси), Алимова Дилором (V курс толибаси), Қодиров Бахтиёр (V курс толиби), Маматқулова Маҳфуза (II курс толибаси), Неъматов Сардор (II курс толиби, VII республика танловининг соҳибаси).

Иккинчи чанг: Қосимова Хуршида (IV курс толибаси), Абдуллаева Наргиза (IV курс толибаси), Худойбердиев Абдулло (IV курс толиби), Шомансуров Алишер (IV курс толиби), Ҳайдаралиев Умид (III курс толиби), Орипов Мансур (III курс толиби).

Учинчи (тенор) чанг: Тухсонова Ҳаётхон (I курс толибаси), Худойбердиев Шокир (I курс толиби, ўрта билим юртлири XIV республика танловининг соҳибаси).

Урма чолғулар: Мансуров Абдор (II курс толиби, VII республика танловининг соҳибаси).

Ансамблининг бадий раҳбари профессор А. Одилов, мусиқа раҳбари, доцент А. Лутфуллаев, фортепианода журналист Лола Абдуалёмова, доирада журналист доцент Илҳом Икромов.

ТАШКИЛИЙ-ЖАМОАТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ

Аҳмад Одилов 1964—1972 йиллари Тошкент шаҳар советининг депутаты, маданият ва санъат ишлари бўйича доимий комиссиясининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг кадрлар ва ўқув юртлири бошқармасининг бошлиғи (1970—1971), 1971—

1974 йиллари М. Ашрафий номидаги ТДКнинг проректори, 1974 йилдан ҳозиргача ўзбек халқ чолғулари кафедрасининг мудири бўлиб ишлаб келмоқда. У Тошкент давлат консерваториясида илмий-педагогик, концерт — ижрочилик, жамоатчилик ишларида фаол қатнашиб, ёш ўқитувчиларга ўрнак бўлмоқда.

Аҳмад Одиловнинг ижодий ташаббускорлиги, ташкилотчилик қобилияти Гнесинлар номидаги Москва мусиқа педагогика институти, Узеир Хожибеков номидаги Озарбайжон давлат консерваторияси, Қурманғози Сағирбоев номидаги Алмати давлат консерваторияси, Мирзо Турсунзода номидаги Тожикистон санъат институтининг халқ чолғулари кафедралари билан ТДКнинг ўзaro ижодий ҳамкорлик ўрнатилишида яқиндан ёрдам берди.

1971 йилда бошланган халқ чолғулари бўйича созида ижрочиларнинг республика танловлари анъанага айланиб қолди. 1985—1989 йилларда собиқ иттифоқ шарқ республикалари консерваториялари профессор-ўқитувчиларининг ижрочилик муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуманлари муваффақиятли ўтказилди. Қардон республикалар мусиқа ўқув юртлирининг етакчи созидалари ижодий кечаларини ўтказиш ҳам анъанага айланиб қолди. Режа асосида профессорлар М. Имханицский, И. Калинин (Москва); С. Алексеров, Р. Кулиев, Ҳ. Хонмамадов (Озарбайжон); Ф. Болғаева, Ш. Кажгалиев, И. Қолимбаева, Ғ. Муҳитов (Алматы); Я. Сабзанов, Н. Абдуллаев (Тожикистон); Аветисян (Ереван); А. Асаксев (Бешкек)ларнинг ижодий кечалари, ижодий ҳисоботлари кафедра профессор-ўқитувчилари ва талабаларида зўр таассурот қолдириб келмоқда. Шу қаторда ўзбек халқ чолғулари кафедрасининг етакчи профессорлари М. Тоиров, А. Назаров, М. Тошмухамедовларнинг ижодий кечалари бошқа консерваторияларда ва ўзимизда мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Халқ чолғуларини ўргатишда долзарб муаммоларга бағишланган республикаларaro илмий-амалий анжумани (Тошкент — 1989 йил) доирасида ўтказилган, Аҳмад Одиловнинг ижодий кечаси ҳам йиғилганлар ва меҳмонларда зўр таассурот қолдирди. Ижодий кечада Тухтасин Жалилов номидаги Ўзбекистон давлат академик халқ чолғулари оркестри (бадий раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ф. Содиқов), талаба чангчилар ансамбли, устозда таҳсил курган қатор шоғирд-

лар қатнашдилар. Бу мароқли ўтган ижодий кеча Аҳмад Одилов таваллудининг 60 йиллик юбилейга тўғри келди.

Табрик сўзларда А. Одиловнинг кўп йиллик ижодий ва жамоатчилик фаолиятлари юқори баҳоланиб, профессор устозимга соғ-саломатлик, ижодий омад, улкан бахт-саодат тилаб қолдилар.

«Машҳур созанда — ижрочиларни тарбиялаб етиштиришда Аҳмад Одиловнинг хизматлари ниҳоятда буюк. Ҳозирда машҳур санъат усталари Фозил Харратов, Қаҳрамон Дадаев, Бахтиёр Алиев, Сайфи Жалил, Хайрулла Лутфуллаев, Талъатжон Сайфуддинов, Гани Тўлаганов, Урозимбек Муродов, Ботир Расулов, Пулатжон Мустафоев, Хусанжон Набиев ва бошқа ўнлаб санъат усталари Аҳмад Одиловни ўзларининг устози, сеvimли мураббий-муаллими», — деб ҳисоблайдилар. «Устозимизнинг халқ мусиқаси ва жаҳон мусиқа маданияти ҳақида чуқур мусиқий-назарий билим билан суғорилган маслаҳатлари биз учун, айниқса қимматлидир» — дейдилар у кишининг шогирдлари.

Хотима урнида

Ўзбекистон Республикасининг мусиқа санъати жаҳон мусиқа санъатининг ажралмас бир қисмини ташкил этади. Аҳмад Одиловнинг илмий-педагогик, ташкилий жамоатчилик фаолияти билан ўзбек ижрочилиги санъатининг тарихи бир-бирига чамбарчас боғлангандир.

Унинг серқирра, сермаҳсул ижоди, ўзбек халқ мусиқаси, замондош мусиқа арбоблари, санъат усталари, профессор ўқитувчилар ва ижрочилари, қардош халқлар мусиқий устозлари, мураббий ва ижрочилари ва умуман Ўзбекистон Республикаси мусиқа маданияти ва санъати муҳитида шаклланди.

А. Одилов 1943 йилдан бошлаган кенг илмий-ижодий фаолиятини, мусиқий қобилиятини, куч ва ғайратини, ўзбек мусиқаси халқ чолғуларида ижрочилик санъатини ривожлантиришга, жаҳон мусиқа маданияти ютуқларини тарғиб этишга қаратди. У замон талабларига хос янги ижрочилик санъати тарихининг кўп босқичларини бирма-бир босиб ўтди, устоз-санъаткор Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда чанг чолғуси ижрочилиги мактабини юзага келтирди.

Миллий чанг чолғулари ансамблини ташкил этилишида, ўзбек халқ мусиқаси намуналарини чанг чолғусига мослаштириб, ноталаштиришда мураббий—устоз санъаткор ва ажойиб ижрочи сифатида танилди, халқ ҳурмати қозонди. Унинг ижрочилик санъатида ўзбек халқ мусиқаси ҳозирги талаб даражасидаги пешқадам профессионал ижрочиларининг энг яхши фазилятлари мужассамлашди. Аҳмад Одилов учун ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати донм асосий илҳом манбаи бўлади. Ижодкор янги-янги изланишлардан толмади, дадиллик билан ижрочилик санъатининг машаққатли йўлларини босиб ўтди.

Унинг илмий-ижодий асарлари, тарихий рисоалари, ўқув-услубий дастурлари, чанг ва фортепиано чолғуларига мослаштирилган ва ноталаштирилган халқ мусиқаси қўлланмалари Ўзбекистон Республикаси мусиқа маданиятининг бой хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Аҳмад Одилов бутун ҳаёти давомида ўзбек чолғу ижрочилик санъатига сидқидиллик билан хизмат қилишга интилди. Шу босидан ҳам унинг асарлари, у яратган ижрочилик мактаби давр руҳи билан йўғрилгандир. Аҳмад Одилов ўзи ҳавас қилган устоз санъаткорлар изидан дадил борди.

Ўзбек халқ мусиқаси пешқадам ижрочилари бўлиши — Юнус Ражабий, Рихси Ражабий, Матюсуф Харратов, Тўхтасин Жалилов, Абдумутал Абдуллаев, Уста Рузиматхон Исабоев, Фахриддин Содиқов, Муҳаммаджон Мирзаев, Хайрулла Убайдуллаев, Ориф Қосимов, Аюб Қодировларнинг мусиқий ижрочилик ва ижодий фаолиятларини қўнг билан ўрганди. Халқ орасидаги мусиқий ҳаётни синчиклаб кузатиб, бастакорларнинг, халқ куйларини қайта ишлашдаги ноёб услубларини ўзлаштириб, ўзи ҳам бастакорлик санъати намояндасига айланди. У чанг ва фортепиано учун қатор мусиқий асарлар яратди. 1960 йиллардан бошлаб яратган ижрочилик санъати тарихи ҳақидаги ўқув қўлланмалари, дарсликларини, тўпламларини рисолали халқ чолғуларида ижрочилик санъати тараққиётига ва ривожига катта ҳисса қўшди. Янги йўналишдаги мусиқа таълимотининг тараққиёти йўлида ўз куч-ғайратини, билимини аямади. Ўзбек халқ чолғулари бўйича биринчи профессор — фахрли илмий унвонига сазовор бўлган Аҳмад Одилов, Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида, болалар ва ўқувчилар республика саройида, Ўзбек давлат филармония-

сида, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида ярим аср мобайнида муҳим мусиқий таълим ва тарбия ишларини олиб борди. Айни чоқда мусиқий ижрочилик фаолияти ҳам узлуксиз давом этди. Аҳмад Одилонинг машҳур созанда — ижрочиларни тарбиялаб етиштиришда хизматлари ниҳоятда буюк. Бу борада жаҳон мумтоз композиторларининг нодир асарларини чанг чолғусига мослаштириб кўчирди ва чангни етакчи чолғу сифатида намоиш қилиб, жаҳон халқларига яқиндан таништирди. Хитой Республикасига (1950); Сурия, Ливан (1972); Вьетнам, Лаос, Бирма (1974, 1986); Булғория (1982); Венгрия (1971); Польша (1966, 1980) каби хорижий давлатларга бўлган концерт сарфарлари бунга мисол бўла олади.

Аҳмад Одилонинг ижодкорлик фаолияти, халқ чолғуларида ижрочилик санъати янги йўналишининг пешқадамларидан бўлди. У ўзбек халқ мусиқасини, Ўзбекистон композиторларининг асарларини, қардош халқлар кўйларини ва жаҳон мумтоз композиторларининг нодир асарларини чуқур ўзлаштирганлиги туфайли, ўзбек халқи мусиқа шинавандалари орасида самимий ҳурматга сазовор бўлди.

А. Одиллов ўзбек мусиқа маданиятини ривожлантиришга, халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг тараққиётига, республика мусиқий таълимоти ривожига қўшган катта ҳиссаси учун ташкилий-жамоатчилик фаолияти, республика ҳукумати томонидан юксак тақдирланди. Устоз 1977 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони, 1970 йили «Ҳурмат белгиси» ордени ва қатор ҳукумат медаллари; Ўзбекистон, Тожикистон, Эстония, Украина Республикалари Олий Кенгашининг фахрий ёрлиқлари; «Тошкент қурувчиси» медали; Москвада ўтказилган ёшлар ва талабалар VI жаҳон фестивалининг совриндори унвони билан мукофотланди.

Аҳмад Одиллов қирқинчи йиллардан бошлаб ўзбек ва қардош халқлар мусиқа маданиятида, халқ чолғуларида ижрочилик санъати ривожидида эришилган ижодий ютуқларга ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган камтарин инсон ва машҳур санъаткор сифатида эл-юртга танилган.

Унинг ижодий режалари, орзу умидлари чексиздир. Аждодларимизнинг мероси — ўзбек халқ мусиқаси, мақом йўллари каби туркумий мусиқий асарларни кадр-

лаш, ижрочилик талабларига жавоб берадиган даражада ноталаштириш ва ундан келгуси авлодларни ҳам баҳраманд этиш масаласи, ўзбек халқ чолғуларини ўргатиш, янги услубларини яратиш, жаҳон мумтоз композиторларининг нодир асарларини чанг ва фортепианога мослаштириш, шулар жумласидандир.

Миллий чанг чолғулари ансамблнинг ижрочилик санъатини юксалтириш, чанг чолғусини такомиллаштирилган янги нусхаларини яратиш масалалари Аҳмад Одилонинг ижоди кун тартибига киритилган. Устоз санъаткорнинг яна асосий мақсадларидан бири — чанг чолғусида умуман ўзбек халқ чолғуларида етук, моҳир созанда — ижрочиларни, юксак маънавий ва маърифий фазилатларга эга бўлган фидойи, истиқлол ғояларига садоқатли шогирдларни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир.

А. Одилловда илк бор мусиқий таълим олган атоқли композитор, Ўзбекистон халқ артисти, М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг профессори Сайфи Жалил шундай дейди: «Аҳмад акани 1945 йилдан бери яқиндан танишман. Мен уларни биринчи муаллимим деб тан оламан, менга мусиқий назарий билимни ва ғижжак чолғусини илк бор ўргатган домлам бўладилар. Уша пайтларда босмахона ишчиси эдим, лекин санъатга ниҳоятда қизиқишим катта эди. Санъат оламига қадам қўйишга устозим Аҳмад Одиллов сабабчи бўлганлар».

Ҳа, Аҳмад Одиллов XX аср иккинчи ярмининг охиригача Ўзбекистон Республикаси мусиқа маданиятида эришилган барча ижодий ютуқларига ўзининг камтарини ҳиссасини қўшган санъаткордир. Халқ чолғуларида ижрочилик санъати устаси, биринчи профессор, гоёт камтар созанда сифатида ҳамкасблари, кўп сонли санъат мухлислари орасида ҳурматга сазовор. Буларга ўзининг ута меҳнатсеварлиги, серғайратлиги, санъатга бўлган чуқур ҳурмати эвазига эришган. Катта санъат йўлида унинг ҳали яна кўп ижодий ютуқларга эришишига ишонимиз.

Таниқли композитор, Ҳамза мукофотининг совриндори, профессор Сайфи Жалил устози, замондоши А. Одилонинг 70 йиллик таваллудига бағишлаб, қўйидаги қасидани тақдим этди.

Биз уни рисолага киритишни лозим топдик.

УСТОД ВА СОЗ

(қасида)

Дунёга келди бир соз,
Инсон илгида бироз,
Тобланди, таркиб топди,
Жаранглаб чиқди овоз.

Шу созга торлар тортиб,
Авайлаб мослаб таранг,
Жозиба сайқал бериб,
Номин атадилар чанг.

Чанг дегани бу создир,
Қанча мақтасак оздир.
Нағмалари бир дунё,
Ноёб жарангли создир.

Созлар ичинда бу соз,
Қонундан фарқли бир оз.
Баланд жаранги билан,
Жилваланар сарафроз.

Чангни тарихи узоқ,
Айтмаса бўлмас бироқ.
Темур бобо давридн,
Яна анчадир йироқ.

Асримизда бир инсон,
Талантин қилиб эҳсон,
Санъатга кириб келди,
Исми анинг Аҳмаджон.

Бу дилбар инсонни биз,
Аввал замон билгаймиз.
Устод, муаллим, зукко,
Соз чалишда хўб бурро.

Устод тароналари,
Турли мақтовга лойиқ.
Унвон, олқишларни ҳам,
Берди унга халойиқ.

Олийгоҳда машқ утди,
Шогирдлар ҳам кўпайди.
Қарабсизки бир онда,
Роса қирқ йил ҳам ўтди.

Чангчилардан бир гуруҳ,
Ансамбллар туздилар.
Турли замон куйлардан,
Миллий дастур туздилар.

Олмон, Амриқо куйлар.
Украин шўх гопаклар.
Армон, Озор куйлари,
Ансамблда жаранглар.

Кўҳна меросдан тортиб,
Янги замон машқгача,
Концерт дастурин тузиб,
Меҳнат қилдилар анча.

Бу меҳнату машаққат,
Устозгадир илова.
Бу сўзлар чин ҳақиқат,
Тишиқ, равшан, зилола.

Шеърый ҳикоя шудир,
Езмаганнинг хайфидир.
Ҳикояга сўз қўшган,
Ҳамкасб, машшоқ Сайфидир.

Сайфи Жалил

12.06.97 йил

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахимова Ф. А. И. Петросянец—узбек халқ чолғулари замонавий ижрочилик мактабининг асосчиси «Ўзбекистонда мусиқа ижрочилиги». Т., 1985. Тузувчи В. З. Плунгян.
2. Алимбаева К., Аҳмедов М. Ўзбекистон халқ созанда-лари. Т., 1959.
3. Алимбаева К., Аҳмедов М. Ўзбекистон халқ созанда-лари. Т., 1974.
4. Ашрафий М. Мусиқа менинг ҳаётимда. Т., 1975.
5. Беляев В. Ўзбекистон мусиқий чолғулари. М., 1933.
6. Визго Т. Ўрта Осиё мусиқа чолғулари. Тарихий очерк. М., 1980.
7. Гиенко Б. Чолғулаштириш. Т., 1970 (узбек халқ чолғулари оркестрига).
8. Жабборов А., Соломонова Т. Ўзбекистон бастакорла-ри ва мусиқашунослари. Т., 1975.
9. Зиёев Ш. Қалб эҳсони. «Совет Ўзбекистони санъати» жур-нали 2-сон. 1989.
10. Йўлдошева С. Ўзбекистонда мусиқа тарбиясини ва таъ-лимотини тараққийоти. Т., 1979.
11. Караматов Ф. Ўзбек чолғу мусиқаси. Мерос. Т., 1972.
12. Лутфуллаев А. Концерт для чанга симфоническим ор-кестром А. Атаджанова как пример освоения новых исполни-тельских возможностей. Т., 1994.
13. Лутфуллаев А. Концертино для чанга с оркестром уз-бекских народных инструментов С. Бабаева, как один из пер-вых образцов концертного жанра для узбекского народного инструмента с оркестром (опыт исполнительского анализа). Т., 1994.
14. Лутфуллаев А. Концерт № 1 для чанга с оркестром уз-бекских народных инструментов И. Хамраева, как типичный образец жанровой концепции узбекского инструментального концерта. Т., 1994.
15. Одилов А., Петросянец А. Чанг дарслиги. 1-нашри. Т., 1961.
16. Одилов А. Чанг учун гаммалар, машқлар ва этюдлар. Т., 1968.
17. Одилов А. Чанг тароналари. Т., 1974.

18. Одилов А., Петросянец А. Чанг дарслиги. 2-нашри. Т., 1976.
19. Одилов А. Чанг чолғусида ижрочилик услубларини улаш-тириш. Т., 1987.
20. Одилов А. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи. Т., 1995.
21. Одилов А., Назаров А. Ўзбек халқ чолғулари учун асар-лар. (Ўзбекистон композиторлари ижодидан.) Т., 1997.
22. Одилов А. Чанг тароналари. 2-китоб (қўлёзма). Тошкент дав-лат консерваторияси — 1998.
23. Одилов А. Ўзбек халқ чолғулари фани бўйича дастур. Т., 1998.
24. Одилов А. Махсус чанг синфи учун дастур. Т., 1998.
25. Одилов А. Ўзбек халқ чолғуларини ўқитиш услубияти бў-йича дастур. Т., 1998.
26. Хамроев И. Бириччи концерт (Чанг ва узбек халқ чол-ғулари оркестри учун клавир). Т., 1987.
27. Хўжаев Р., Лутфуллаев А. Мусиқамиз арбоби. «Санъ-ат». 12. 1990.
28. Хўжаев Р. Дилкаш садолар соҳибни («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1988, 11 ноябрь сони).

МУНДАРИЖА

<i>Муаллифдан</i>	3
Ҳаёти ва ижодий йули	5
Болалик ва улгайиш йиллари	5
Ўзбек халқ чолғулари болалар оркестрининг ташкилотчиси	13
А. Одиллов — оркестрининг янканавоз ижрочиси	19
Сафарлар, концертлар, учрашувлар	20
Хитой сафари	22
Украина сафари	22
Қардош республикалар ва хорижга янги сафарлар	25
Илмий-услубий фаолиятидан лавҳалар	33
Устоз ва шогирдлар	36
Ташкилий-жамоатчилик фаолияти	42
Хотима урнида	44
<i>С. Жалил</i> . «Устоз ва соз» қасидаси	48
Фотоҳужжатлар	50
Фойдаланилган адабиётлар	50

АНВАР ЛУТФУЛЛАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН МУСИҚА САНЪАТИ УСТАЛАРИ

АҲМАД ОДИЛОВ

Тошкент «Ўқитувчи» 1998

Муҳаррир О. Раҳимов
Бадий муҳаррир О. Бақлқова
Тех. муҳаррир Э. Вильданова
Мусаҳҳиҳ Л. Мирзааҳмедова

ОИБ 7487.

Теришга берилди 26.11.98. Босишга рухсат этилди 10.12.98. Формати 84×1/32. Литературная гарн. Кегли 10 шпонсив. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. т. 2,73+0,42 вклейка. Напр. т. 3,3+0,43 вклейка. Шартли кр.-отт. 3,36. 1000 нусхада босилди. Буюртма 168.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 16—89—98.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусовод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй. 1998.



256с. 73т.

ЎЗБЕКИСТОН МУСИҚА САНЪАТИ УСТАЛАРИ



Ахмад Одилов – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғуларида ижрочилик кафедрасининг мудирининг, чанг чолғу-сози бўйича етакчи мутахассис, юксак илмий-амалий малакали мураббий.

“ЎҚИТУВЧИ”